УШБУ СОНДА:

2 **7 МИЛЛИОН МОЖАРОСИ**

3 **ФРАНЦИЯ:** ЮВЕНАЛ АДЛИЯ ТИЗИМИ

**БЕМАВРИД ЛУҚМА** ЁХУД ЖУРНАЛИСТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ НИМАДАН ИБОРАТ?

4 **ZACHARY TAYLOR:** СИРЛИ СУИҚАСД

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 23 (330)
2003 йил
10 ИЮН
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

**Оммавий ахборот воситаларида тегишли қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда журналистика, адабиёт, санъат асарларидан ва илмий асарлардан фойдаланилишига йўл қўйилади.**

**Таҳририятга келган хатларни эълон қилишга тайёрлаш чоғида мазмунини бузмаган ҳолда уларнинг матнини қисқартириш ва таҳлил этишга йўл қўйилади. Таҳририят қонуний асосларда рад этган материални оммавий ахборот воситасида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.**

**"ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН 26-МОДДА**

# МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ ҚАЙҒУСИ

***Бу ёруғ дунёнинг бебаҳо неъматлари ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, соғлиқ, тан сиҳатлик тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Нега деганда, инсон тўрт мучаси соғлом бўлсагина хотиржам яшайди, бунёдкорлик ва тараққиёт ҳақида ўйлайди, оиласи ҳамда эл-юрти фаровонлиги учун астойдил меҳнат қилади. Шу маънода эл соғлиғи, баркамол авлод тарбияси ҳар бир миллат келажагига бевосита дахлдор масаладир.***

Зеро, эртанги куни учун қайғурган миллат зот-зурриёди, авлодининг соғлом ва баркамоллигига аҳамият беради, бу борада зарур шарт-шароит ва қулайликларни муҳайё этади. Ана шу эзгу мақсадга эришишда эса спортнинг ўрни ва аҳамияти ғоятда беқиёс. Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ соғлом авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу олижаноб мақсад амалиёти йўлида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бундан олти ой муқаддам эса Президентимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани ҳам ана шу эзгу ишларнинг мантиқий давомидир. Мазкур жамғарма фаолияти бўйича ҳар бир мутасадди идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Хусусан, бунда мамлакатимизнинг табиий иқлим шароити ва анъаналарига мос келадиган истиқболли спорт турларини илмий асосда танлаш, спорт мактаблари ва секциялари фаолиятини тўғри ташкил этиш, ёш авлод қалбида спортга қизиқиш ва интилишни тарбиялаш, шу йўл билан болалар спортини умумхалқ ҳаракатига айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда мамлакатимизда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган 6 миллион 528 минг нафар бола мавжуд. Афсуски, уларнинг жуда озчилик қисми спорт билан мунтазам шуғулланади. Бунга мавжуд спорт иншоотларининг ҳам атиги 30-40 фоизи ишлаб тургани, спорт мутахассисларининг етишмаслиги, замонавий спорт анжомларнинг тақчиллиги ва мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Қолаверса, аксарият қишлоқ жойларида спорт билан шуғулланишга шароит йўқ десак, асло хато эмас. Ана шундай аҳволда болалар спорти билан боғлиқ муаммоларни ўрганиб чиқиш ва уларнинг оқилона ечимини топиш олдимизга кўплаб масъулиятли вазифаларни кўндаланг қўяди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида мамлакатимиз раҳбари мазкур жамғарма фаолиятининг мақсад-муддаоси ва мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай таъкидлади: **"Болалар спортини ривожлантириш дегани — ҳамма профессионал спорт билан шуғулласин, ҳамма чемпион бўлсин, дегани эмас. Ёшларимиз орасида чемпионлар етишиб чиқиши, жаҳоннинг энг нуфузли майдонларида байроғимизни кўтариб, Ватанимиз шаънини бутун дунёга таратиши қувонарли, албатта. Бундай ғалабалар ҳар биримизга ғурур-ифтихор бахш этишини ҳаммамиз тан оламиз. Бугунги кунда ёш ўғил-қизларимиз орасидан ана шундай чемпионлар етишиб чиқаяпти ва бундан кейин ҳам чиқаверади. Бунинг ҳам зарур чора-тадбирларини кўряпмиз. Мен ишонаман, бу ишлар, албатта, ўз натижасини беради.**

**Биз мазкур жамғарма орқали аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз. Болаларимиз соғлом бўлса, миллатимиз бақувват бўлса, ҳаёт синовлари ва қийинчиликлардан қўрқмайдиган, иродаси мустаҳкам бўлса, энг муҳими шу. Мана шу ғоя учун жон куйдириб яшаш ва ишлаш керак. Бунинг учун, аввало, ишни тўғри ташкил этиб, малакали, ишнинг кўзини биладиган кадрларни жой-жойига қўйиб, тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри олиб бориш даркор. Токи одамларнинг ўзи бу ишнинг моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниб етсин".**

Хулоса ўрнида айтсак, миллат келажаги бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлод қўлида. Авлод соғломлиги ва баркамоллиги шу жиҳатдан миллат тақдирини белгилайди. Шу маънода мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш йўлида бошланган саъй-ҳаракатларни миллат келажаги қайғуси деб таърифласак, асло хато эмас. Бу эса ҳар бир юртдошимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Зеро, Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, миллат келажаги учун ёниб яшаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак. Агар шу эзгу ният билан яшасак, уни амалга ошириш учун курашсак, бошлаган ижобий ишларимизни охирига етказсак, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк бўлади.

**Комрон МИРЗО**







**O'ZBEKISTON ва дунё**
кеча, бугун, эртага

☑ *Президентимиз Ислом Каримов 5 июн куни Оқсаройда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония—Ўзбекистон қўмитаси раиси "Мицуи"компанияси бошқаруви раиси Нобуо Охаши раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.*

☑ *Республика Олий судининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.*

☑ *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида "Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни тарғиб-ташвиқ қилишда прокуратура органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*

☑ *"Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси"нинг навбатдаги, саккизинчи сони нашрдан чиқди.*

☑ *Тошкентда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан Ўзбекистон Давлат муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги ҳамкорлигида "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни жамоа бўлиб бошқаришнинг хусусиятлари" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.*

**Bugunning gapi**

# ВАКОЛАТ – ВОСИТА ЭМАС!

Ҳозирги пайтда юртимизда тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида хўжалик юритувчи субъектларни ноқонуний текширишлар сони сезиларли даражада камайди. Шу билан бирга айрим назорат қилувчи идоралар ўзларига берилган ваколатлардан фойдаланишда қонунни четлаб ўтаётган ҳоллар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, биз кимнидир ҳақ, кимнидир ноҳақ дейиш, фикридан йироқмиз. Чунки қонун олдида ҳамма тенг. Бошқача айтганда, қонун талабини кўр-кўрона бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу жумладан, бу талаб назорат қилувчи идораларга ҳам бирдек тааллуқли.

Энди гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, Тошкент вилояти адлия бошқармасига шу йил 18 феврал куни Янгийўл тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳуқуқшуноси А.Асанова ариза билан мурожаат қилиб, "Азиза" масъулияти чекланган жамиятида "Ўзстандарт" агентлигининг Тошкент вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармаси ходимлари томонидан ноқонуний текшириш ўтказилганини баён қилган.

Мазкур аризада қайд этилган ҳолатлар атрофлича ўрганилиб чиқилгач, вазиятга аниқлик киритилди. Ҳақиқатдан ҳам, Тошкент вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг шу йил 3 январ куни чиқарилган 3-сонли буйруғи билан М.Каримова ва Ш.Иноғомов Янгийўл тумани ва шаҳрига савдо тармоқларида назорат хариди ўтказиш йўли билан текшириш учун хизмат сафарига юборилган. Шундан сўнг М.Каримова ва Ш.Иноғомов шу йилнинг 7 январ куни Янгийўл туманидаги "Азиза" масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўконида текшириш ўтказган. Албатта, текшириш жараёнида "Текширишларни рўйхатга олиб китоби" тўлдирилиб, 3-рақамли далолатнома тузилган.

Бу-ку яхши. Лекин бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясига юборилган сўров хатига келган жавобда стандартлаштириш ва метрология бошқармасига 2003 йилнинг биринчи чораги давомида режадан ташқари текшириш ўтказилиши учун вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси расмийлаштирилмагани қайд этилган.

Энди азиз газетхон, гап нима хусусида бораётганини англаган чиқарсиз. Бунинг натижасида **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини Давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"** ҳамда **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонунлар талаблари қўпол равишда бузилган. Бундан ташқари, тадбиркор аризасини ўрганиш давомида яна бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари содир этилгани аниқланди. Жумладан, вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг шу йил 14 январдаги 11-сонли буйруғига асосан бошқарма ходимлари З.Сувонқулов, Ш.Оқилов Бўстонлиқ туманидаги "Фарҳод" хусусий фирмасида, О.Аҳмадалиев ва Ё.Ёқубхўжаев эса Бекобод шаҳрида жойлашган "Дилшод" хусусий корхонасида ноқонуний равишда текшириш ўтказган.

Энг ёмони, "Фарҳод" хусусий фирмаси сотувчиси текширувчилар З.Сувонқулов ва Ш.Оқиловга **"Текширишларни рўйхатга олиш китоби"**ни тақдим этган ва улар китобга имзо чекишдан асоссиз равишда бош тортган.

Хўш, бу ҳол нимани англатади? Нима, сиз текширишга келганлар мазкур китобни тўлдиришга ақллари етмайди, деб ўйлайсизми?

Йўқ, бунга уларнинг туппатузук ақли етади. Бироқ китобга имзо чекишдан қасддан бош тортишган. Эҳтимол, бу қасддан содир этилган ноқонуний текшириш замирида бизнинг ақлимиз етмаган бошқа нарса бордир...

Адолат юзасидан шуни ҳам айтиш керакки, ноқонуний бўлса-да, текшириш вақтида савдо шаҳобчаларида камчилик аниқланган. Бундан ҳеч ким кўз юмаётгани ҳам, тўсқинлик қилаётгани ҳам йўқ. Лекин қош қўяман, деб кўз чиқариб қўйиш керак эмас-да...

Бу ҳам майли-ю, мазкур ҳолат юзасидан Тошкент вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармасидан олинган жавоб хатларида энг асосий саволга аниқлик киритилмагани кишини таажжубга солади. Гап шундаки, назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатномаси қачон берилганлиги тўғрисидаги савол очиқ қолган...

Аслида эса вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси раҳбарияти томонидан содир этилган қонунбузилиш ҳолатлари тан олиниб, уни кейинчалик такрорламаслик юзасидан чоралар белгиланганда бу масала ўша вақтдаёқ ўз ечимини топган бўлар эди. Чунки **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 12-моддасида шундай қайд этилган: **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун махсус ваколатли идоранинг текширилаётган объект номини, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек, текширишни амалга оширувчи тегишли мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи асос бўлиб хизмат қилади".**

*(Давоми иккинчи бетда)*

**«Barkamol avlod — 2003» o`yinlari**

# ҲАЙРАТНИНГ УФҚИ КЕНГ

Мана бир неча кундирки, Фарғона водийсининг гавҳари бўлмиш Андижон ажиб бир фаслни бошдан кечирмоқда. Бу ерда ёшларнинг гўзаллик ва нафосат-спорт байрами бўлиб ўтмоқда. Ҳар қадамда ҳайрат. Ушбу спорт байрами арафасида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Андижонга ташрифи ва олимпия заҳиралари спорт коллежи ҳамда янги стадион мажмуасида бўлиб, андижонлик курувчиларга берган баҳоси кўнгилларни фахр-ифтихорга тўлдирди. Бу ердаги қурилишларни пойтахт Тошкентдаги иншоотларга тенглаштирган Юртбошимиз шундай деди:

— **Андижонликлар бундай улкан ва кўркам иншоотлар бунёд этишда ҳам ўз ташаббуси ва тажрибасини намоён этаётгани қувонарлидир. Шундай иншоотни қуришга қурби, ақл-заковати етган халқнинг фарзандлари дунёнинг энг юксак спорт шоҳсупаларидан ўрин эгаллашга муносибдир.**

Дарҳақиқат, бу ерда бўлиб ўтаётган ҳар бир тадбир, спорт мусобақалар Юртбошимиз баҳосига муносиб тарзда ўтмоқда. Бутун Ўзбекистон, шу жумладан Андижон ёшлари дунё спорт шоҳсупаларига интилмоқда. Бу соҳада Андижон ҳар қанча мақтанса мақтагудек.

Бу ерда ҳайратнинг уфқи кенг. Атиги саккиз ойда қуриб битказилган 900 ўринли спорт коллежи ҳамда 20 минг ўринли стадион ёшларга чинакам совға бўлди.

Мусобақаларда уч минг нафарга яқин талаба ёшлар иштирок этмоқда.

2001 йилда Жиззах спорт мусобақалари 9 спорт тури бўйича ўтган бўлса, Андижонда бу кўрсаткич 14 тага етди.

5 июн куни янги қурилган стадионга ташриф буюрган меҳмонлар, спорт ўйинлари қатнашчилари чинакам ҳайрат уммонига ғарқ бўлишди. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида ўйингоҳда бамисоли камалакнинг минг хил жилоси ёғдулангандай бўлди. Ранго-ранг нурлар оғушига чўмилган ўйингоҳга "Баркамол авлод-2003" спорт ўйинлари байроғи олиб кирилди. Шундан сўнг Андижон вилоят ҳокими Қобилжон Обидов спорт байрамини очиб, барчани қизғин қутлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов Президентимиз Ислом Каримовнинг "Баркамол авлод-2003" спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Юртбошимизнинг табригини байрам иштирокчилари қизғин қутиб олдилар. Давлат гимни садолари остида спорт мусобақаларининг байроғи кўтарилди.

Сўнгра стадионга мусобақалар машъаласи олиб кирилди. Машъалани самбо бўйича уч карра Ўзбекистон чемпиони, Андижон олимпия заҳиралари коллежи талабаси Гулчеҳра Маманова ва бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони Асакадаги академик лицей ўқувчиси Элёр Ғуломовлар ёқишди.

Шундан сўнг байрам қатнашчиларига тақдим этилган спортчиларнинг чиқишлари, республика эстрада юлдузлари ижросидаги концерт, ўн мингдан зиёд ўқувчи ёшлар иштирок этган оммавий бадиий кўринишлар баҳоят ҳайратланарли бўлди.

Бўлиб ўтаётган турли спорт мусобақаларида бўлажак чемпионлар аниқланмоқда. Уларни эса "Матиз", "Тико", "Дамас" автомобиллари, медаллар шодаси кутмоқда.

**Илҳомжон ЭҒАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

***Янги иншоотлар қуриш юртни ободлиги ва равнақини белгилайди. Аммо улкан қурилишлар бошида ҳудбин раҳбарлар турса, «ишнинг аҳволи вой», деяверинг. Афсуски, Сурхондарёдаги баъзи қурилишлар шундай аҳволга тушиб қолди.***

# ҚОРЛАР ЁҒДИ, АММО ИЗЛАР БОСИЛМАДИ

Аниқроқ айтганда, вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасининг собиқ бошлиғи С.Холимқулов, унинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари М.Ашуров ва бош ҳисобчи О.Мерганов кейинги икки йил давомида қурилишдаги қинғир ишларга бош-қош бўлиб, миллионлаб маблағни «туя» қилишган. Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширувда Собир Холимқулов бошлиқ бир гуруҳ амалдорлар бюджет маблағларини талон-тарож қилишгани маълум бўлди. Хусусан, "Деновқишлоққурилиш" ҳиссадорлик жамияти бошлиғи Ш.Дўстқобилов, вилоят жамоа қурилиш трести бошлиғи Х.Соқиев, "Тараққиёт" масъулияти чекланган қурилиш жамияти раиси С.Сафаров, "Фидокор" МЧКЖ раиси М.Абдураимовлар ўтган йиллар давомида капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи С.Хонимқулов билан ўзаро тил бириктиришиб, 26 миллион сўмлик бюджет маблағларни мақсадсиз ўзлаштириб юборишган.

"Деновқишлоққурилиш" ҳиссадорлик жамиятига қарашли 13-автокорхона бошлиғи Х.Саидов, бош ҳисобчи Б.Сулаймоновлар ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб, корхонани иқтисодий томондан ночор аҳволга келтириб қўйишганича томошабинга айланишди. Натижада шу йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, ушбу корхона бюджет ташкилотларидан 838,9 минг сўм қарз бўлиб қолган. Корхонанинг мансабдор шахслари мавжуд 20 миллион 694 минг сўмлик дебиторлик қарзларини ундириш тўғрисида мутлақо бош қотириб ўтиришмади. Энди эса иш судга тақалди.

Вилоят капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Собир Холимқулов билан "Фидокор" МЧКЖ раиси М.Абдураимовларнинг ўзаро "ҳамкорлиги" бюджет маблағларини ўзлаштириб юборишда «қўприк» бўлиб хизмат қилди. Ушбу жамият капитал қурилиш бошқармасидан 2000 йилнинг якунида 3 миллион 304 минг сўмлик қарзи бўла туриб, 2001 йил учун гарчанд ўзаро шартнома тузилмаган бўлса-да, капитал қурилиш бошқармаси раҳбарияти "Фидокор" МЧКЖга алоҳида "ғамхўрлик" кўрсатиб, ҳали қарзини узолмаган корхонага бюджет маблағидан 3 миллион 736 минг сўмлик қурилиш материалларини бериб юборган. Буниси ҳам етмаганидек, ушбу қарздор ташкилот бошқарма амалдорларининг ҳотамтойлиги эвазига нархи 1 миллион 200 минг сўм турадиган юқори кучланишдаги трансформаторга ҳам эга бўлди. Давлат хазинасидан ҳотамтойлик қилиш яна давом эттирилиб, ушбу қарздор корхонага бюджет ҳисобидан 5 миллион 500 минг сўмлик маблағ бериб юборилганлигини қандай баҳолаш мумкин?

**Mas`uliyatsizlik**

Вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси раҳбарларининг фаолиятида кейинги икки йил давомида бундай қонунбузарликлар авж олган. Улар ўзлари бажараётган ишларнинг ноқонуний эканлигини била туриб, маблағларни ўз мақсадларига ишлатиб юборишни давом эттиришди. Шу мақсадда улар "Сурхонцементсавдо" шўъба корхонасининг "Ўйжойжамғармабанк"нинг Термиз бўлимидан олган 1 миллион 113 минг кредитини бюджет маблағлари ҳисобидан ёпиб бериш мажбуриятини олишди. Гарчанд, бошқарма томонидан кафиллик шартномаси рақамсиз тузилган бўлсада, ушбу миқдордаги маблағ банк ҳисобига ўтказиб берилди. Хуллас, ўзбошимча раҳбарлар наздида, қорлар ёғдию, излар босилди...

*(Давоми учинчи бетда)*

***Мамлакатимизда бошоқли дон етиштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки буғдой ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз кўркидир.***

# НОХОЛИСЛИК

## УНИНГ ЗАРАРИ ТАДБИРКОРГА АНЧА ҚИММАТГА ТУШИШИ МУМКИН

Хўш, шундай экан, жойларда бошоқли дон етиштиришга қандай аҳамият берилмоқда? Яқинда Андижон вилоят адлия бошқармасининг иш режасига кўра вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик бирлашмасининг Мингбулоқ туман бўлимида қишлоқхўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга минерал ўғитлар етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларнинг қонунийлиги ва бажарилиши ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлдики, бўлим томонидан 2002 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга 10.913 тонна соф ҳолда минерал ўғит етказиб бериш юзасидан 311 та шартномалар имзоланган. Бу — албатта ижобий ҳол.

Лекин ўз навбатида шундай табиий савол туғилади: икки тарафлама имзоланган мазкур шартномаларнинг шартлари амалда қандай бажарилди?

Афсуски, бу борада ишларда жиддий хатолик ва камчиликларга йўл қўйилган. Хўш, бу камчиликлар нималарда ўз аксини топган? Аввало шуни айтиш жоизки, 2002 йилда азотли ўғитлар айрим фермер хўжаликларига режадан ортиқ, айримларига эса режадан кам тарқатилган, баъзи бир фермер хўжаликларига эса умуман минерал ўғит берилмаган.

Келинг, бу фикрни исботлаш учун мисолларга мурожаат этайлик. Мазкур тумандаги "Ривожиддин ҳожи" фермер хўжалигига соф ҳолда 10,9 тонна азотли ўғит етказиб берилиши лозим эди. Амалда эса фермер хўжалиги 13,3 тонна азотли ўғит олган. "Саид ота" фермер хўжалиги бунданда уддабуронроқ чиққан — у 8,3 тонна ўрнига 9,4 тонна минерал ўғитни қўлга киритган. Бундан ташқари, "Шерзод", "Дилафруз-98", "Рашид ҳожи" ва бошқа фермер хўжаликларига ҳам режадан ортиқ миқдорда азотли ўғит бериб юборилган.

Шу ўринда кимдир «олган бўлса, ўз маблағи ҳисобига олган, шунга шунчами», дея эътироз билдириши ҳам мумкин. Лекин гап шундаки, кимнингдир уддабуронлиги ва ишбилармонлиги бошқа бир кишига зарар келтирмаслиги керак. Бу фикрни таъкидлашдан кўзланган мақсад шуки, тумандаги «Зокир» фермер хўжалиги режа бўйича 5,4 тонна азотли ўғит олиши лозим эди. Мазкур фермер хўжалиги амалда 4,4 тонна, "Тошканбой" фермер хўжалиги 63,4 ўрнига 51,6 тонна, "Раҳмонали" фермер хўжалиги эса 4 тонна ўрнига 3,3 тонна азотли ўғит олганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бундай ҳолни "Олтин Мингбулоқ", "Абдулла Каримов", "Саодат" ва бошқа фермер хўжаликлари фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Жорий йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларига 4.661 тонна азотли, 3.020 тонна фосфорли, 1.433 тонна калийли ўғит етказиб бериш юзасидан 319 та, яъни 1.564.685.000 сўмлик шартномалар тузилган. Одатда, томонлар ўртасида тузилган ҳар бир шартнома икки ёки ундан ортиқ нусхада бўлади. Бир нусхадан шартнома тузувчилар ўртасида тақсимланади. Лекин "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик бирлашмасининг туман бўлимида бунинг аксини кўриб, таажжубланмасликнинг иложи йўқ. Гап шундаки, 2002 йил ҳосили учун тузилган "Холмат Дадабоев", "Отахон", "Абулхай қори", "Оқ олтин", "Раҳмонберди", "Файзулло-1" фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларнинг бир нусхаларини фермер хўжаликларига берилмай, "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик бирлашмасининг Мингбулоқ туман бўлими идорасида сақланиб келинган.

Энг ачинарлиси, жорий йилнинг 20 майига қадар тумандаги 50 та фермер хўжалигига минерал ўғит ўз вақтида етказиб берилмаган. Ваҳоланки, мазкур фермер хўжаликларининг аксарияти минерал ўғит учун вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик

**Dakki**

бирлашмасининг Мингбулоқ туман бўлими ҳисоб рақамига маблағ ўтказиб қўйишган. Жумладан, "Файзулло-1" фермер хўжалиги 134000 сўм, "Саркор" фермер хўжалиги 586000 сўм, "Насостачи" фермер хўжалиги 86000 сўм, "Зиёкор Абулҳай" фермер хўжалиги 972000 сўм, "Умид юлдузи" фермер хўжалиги 944000 сўм маблағни минерал ўғит учун ўз вақтида ажратишган. Лекин улар минерал ўғит олгани йўқ. Бошқача айтганда, икки тарафлама имзоланган шартнома талаблари вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик бирлашмасининг Мингбулоқ туман бўлими мутасадди раҳбарлари қўпол равишда бузган.

Табиийки, бундай сансоларлик, тўраларча муносабат тадбиркорга жуда қимматга тушмоқда. Нега деганда, минерал ўғитни ўз вақтида ололмаган тадбиркорнинг даласи жиддий зарар кўради. Бундан ёмони, у кутилган ҳосилни ололмайди.

Хўш, бунинг учун ким жавоб беради? Тадбиркорга берилмаган минерал ўғитлар кимнинг чўнтагига пул бўлиб тушди? Мутасадди раҳбарларнинг шартнома шартларини қўпол равишда бузишга қандай ҳадди сиғди?

Юқорида қайд этилган хато ва сансоларликларни инобатга олиб, вилоят адлия бошқармаси вилоят "Қишлоқхўжаликимё" акциядорлик бирлашмасига шу йил 2 июн куни 01-08-823-сонли тақдимнома киритди. Демак, таҳририят бу мавзуга яна қайтади.

**Анвар ТУРСУНОВ**
**Наманган вилояти**

**Bugunning gapi**

# ВАКОЛАТ – ВОСИТА ЭМАС!

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Қисқаси, ана шундай қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Тошкент вилояти адлия бошқармаси "Ўзстандарт" агентлиги Бош директори номига шу йилнинг 28 март куни 02-1/838-сонли тақдимнома киритди.

Вазирлар Маҳкамаси қарори талабларига мувофиқ тақдимноманинг бажарилиши мажбурий бўлиб, 15 кунлик муддатда батафсил жавоб берилиши лозим. Аммо номаълум сабабларга кўра, орадан қарийб бир ярим ой ўтса ҳамки, тақдимномага жавоб берилмади.

Шу ўринда «эҳтимол, тақдимномани жиддий ўрганиб чиқиб, унда қайд этилган камчиликларни бартараф этиш учун анча вақт кетгандир», деб ўйлаётган бўлсангиз, хато қиласиз. Чунки "Ўзстандарт" агентлигига вилоят адлия бошқармасидан эслатма хати юборилгандан сўнггина олинган жавобни ўқигач, ана шундай хулосага келасиз.

Унда вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси мутасадди раҳбарлари адлия бошқармасининг оғзаки ва ёзма мурожаатларига шунча пайт нега мужмал жавоб бериб келгани ойдинлашган. Аниқроқ айтганда, тақдимномага жавоб бериш чўзилганлигига сабаб — кўрсатилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун эмас, балки вилоят адлия бошқармасининг бу борадаги хато ва камчиликларини излаб топиш учун сарфлашган экан.

Албатта, бунинг ўрнига муаммоларни ечимини ўйлашса, яхши бўларди. Чунки ўз ишига таҳқидий нуқтаи назаридан қараш ҳеч қачон фойдадан холи бўлмайди.

Яхшиси, "Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги" бош директор ўринбосари А.Абдувалиев томонидан имзоланган 01-82-12 рақамли ахборотномадан бир парча келтирамиз:

"Зикр этилганларга асосан тақдимномада кўрсатилган Тошкент вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг ходимлари томонидан савдо дўконларида ноқонуний текширишлар ўтказилгани тўғрисидаги ҳолатлар ҳақиқатда содир этилмаган. Бундан ташқари, таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли қарори билан Адлия вазирлиги ва унинг қуйи идораларига маъмурий иш қўзғатиш ҳуқуқи берилмаган. Шунинг учун Тошкент вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг ходимлари устидан маъмурий ишлар ноқонуний равишда қўзғатилган, деб ҳисоблаймиз".

«Мен нима дейману, қўбизим нима дейди» деганларидек, бу сатрларни изоҳлаб ўтирмаймиз. Чунки зукко газетхон ўзи тушуниб олади. Жавобдан шу нарса кўриниб турибдики, вилоят адлия бошқармаси мутлақо ноҳақ ва тақдимнома ҳам аслида нотўғри киритилган.

Ана сизга хулоса!

Афсуски, ҳаммаси батафсил қайд этилган тақдимномага жавобда асосий савол, яъни назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсати борйўқлиги тўғрисидаги саволга жавоб бериш негадир "ёддан" чиқибди. Аслида ҳам ҳамма гап ана шунда эди-да!

Тошкент вилояти адлия бошқармаси жиноят ишлари бўйича Янгийўл, Бўстонлиқ туманлари ва Бекобод шаҳар судларига ноқонуний текшириш содир этган Тошкент вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг ходимларини МЖТКнинг 241-1-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортишни сўраб мурожаат этди.

Шу йилнинг 14 апрелида жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ тумани суди З.Сувонқулов, Ш.Оқиловлар устидан қўзғатилган ишни кўриб чиқди. Уларнинг ҳар иккаласи МЖТКнинг 241-1-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир қилганликда айбли деб топилди ва ҳар бирига энг кам иш ҳақининг етти баробари миқдорида — 31745 сўмдан жарима жазоси тайинланди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди маъмурий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетгани учун А.Аҳмадалиев, Ё.Ёқубхўжаевга нисбатан қўзғатилган маъмурий ишни тугатишни лозим топди.

Дарвоқе, вилоят адлия бошқармаси жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судига М.Каримов ва Ш.Иноғомовни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида яна бир марта хат билан мурожаат этди.

Кўриниб турибдики, вилоят адлия бошқармаси ходимларининг қатъий ва қонун номи билан амалга ошираётган ишлари ўз якунига етиш арафасида. Гарчи кўтарилган долзарб масала ҳозирча ўзининг тўлиқ ечимини топмаган бўлса-да, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ҳар қандай жойда, ҳар қандай шароитда, мансаб даражалари, поғоналаридан қатъи назар, қонунни ҳатлаб ўтишга асло йўл қўйилмайди.

Зеро, ҳуқуқий демократик давлат қурилаётган мамлакатда ваколат қонунбузарлик воситаси бўлолмайди.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун"**
**мухбири**

**Adliya tizimi**

# НАВОИЙ

**Шу йилнинг дастлабки чораги давомида келиб тушган мурожаатлар сони 85 тани ташкил этиб, шундан 57 та ҳолат бўйича ариза ва шикоятлар қаноатлантирилди, 25 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Мавжуд ариза ва шикоятлардан 30 таси ишонч телефонлари орқали қабул қилинган бўлиб, 3 таси тегишлигига биноан бошқа идора ва ташкилотларга юборилди.**

**Шунингдек, бузилган ҳукмларни тиклаш ва етказилган зарарларни ундириш юзасидан 332.765.968 сўмлик 148 та даъво аризалар судларга киритилди. Киритилган даъво аризалар натижасида 29 та даъво аризалар қаноатлантирилиб, 58.166.979 сўм ундириб берилди ва 26.730.964 сўмлик 22 та ҳолат бўйича келишув битимлари тасдиқланди.**

**Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 32 та тақдимнома ва 16 та огоҳномалар киритилди. Бунинг натижасида жами 16 нафар мансабдор шахсларга интизомий жазо чоралари қўлланилди ҳамда 2 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.**




**Huquqiy savodxonlik sari**

***Кейинги пайтларда қимматли қоғозлар бозори деган ибора тез-тез қулоққа чалинадиган бўлди. Ушбу тушунчага қонунчиликда қуйидагича таъриф берилган: қимматли қоғозлар бозори жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозлар чиқариш, уларнинг муомилада бўлиши ва ҳақини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар тизимидир. Мамлакатимизда давлат корхоналарининг хусусийлаштирилиши ва акциядорлик жамиятларига айлантирилиши қимматли қоғозлар бозорини юзага келтирди.***

# ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

Ҳозирги пайтда иқтисодиётда қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозори мавжуд.

Бирламчи бозор деганда қимматли қоғозлар эмиссияси ва бирламчи жойлаштирилишини амалга ошириш, яъни қимматли қоғозларни эмитент ёки унинг вакили томонидан дастлабки сармоядорга сотиш бозори назарда тутилади. Шунингдек, эмитент томонидан қимматли қоғозларнинг такрорий чиқарилиши ёки иккиламчи эмиссияси ҳам бирламчи бозор доирасига киради. Бирламчи бозорнинг энг муҳим хусусияти эмитентлар томонидан ахборотнинг ошкор этилишида намоён бўлади.

Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори олдин ҳам сотувга чиқарилган ва ҳеч бўлмаганда бир марта харид қилинган қимматли қоғозлар олди-сотди амалга ошириладиган бозордир. Айнан иккиламчи бозорнинг ривожланиш даражасига қараб қимматли қоғозлар олди-бердиси даражасини аниқлаш мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари бўлиб эмитентлар, сармоядорлар, инвестиция муассасалари, шунингдек, уларнинг бирлашмалари, фонд биржалари (уларнинг жойлардаги фонд бўлимлари), давлат томонидан мазкур бозорни назорат қилиш вазифаси юклатилган давлат идоралари ҳисобланади.

Шу ўринда эмитент тушунчасига изоҳ бериб ўтиш жоиз. У қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида ўз номидан мажбуриятли бўлган юридик шахс ва давлат идорасидир. Эмитент сифатида мулкчилик шаклида қатъий назар, турли корхоналар, шунингдек, давлат маҳаллий ҳокимият идоралари фаолият юритиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг энг катта эмитенти давлат ҳисобланади. Давлат қимматли қоғозлар бозорида ҳам эмитент, ҳам сармоядор сифатида иштирок этади. Давлат эмитент сифатида облигациялар, хазина мажбуриятларини чиқаришга ҳақли. Давлат номидан эмитент сифатида Марказий банк, Молия вазирлиги каби давлат ҳокимияти ва бошқарувининг турли идоралари қатнашади.

Қимматли қоғозларни ўз номи ва ўз ҳисобидан сотиб олувчи жисмоний ҳамда юридик шахс инвестор деб аталади. Инвестор сифатида чет эл фуқаролари, юридик шахслари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам иштирок этиши мумкин. Инвестиция қилишнинг асосий мақсадлари вақтинча бўш турган маблағлардан самарали фойдаланиб, дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад олиш, шунингдек, қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш нархи ўртасидаги фарқдан даромад олиш, корхонани бошқаришда иштирок этиш каби жараёнлардан иборат.

"**Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида**"ги қонунга биноан инвестиция воситачиси, яъни молия брокерлари ва дилерлари, инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция компанияси, инвестиция фонди, бошқарувчи компания, депозитарий, ҳисоб-китоб клиринг палатаси, қимматли қоғозларни номинал сақловчи, инвестиция институтларининг бошқа турлари инвестиция муассасалари саналади. Ушбу инвестиция муассасалари махсус давлат идорасидан операцияларни амалга ошириши учун рухсатнома лицензияга эга бўлиши керак. Инвестиция муассасалари тушунчаси ўзида асосий фаолият тури қимматли қоғозлар билан операциялар қилишдан иборат бўлган хўжалик юритувчи субъектларни ифода этади.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, қимматли қоғозлар бозори иқтисодиётнинг амал қилиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, ижтимоий хусусиятга эга бўлган кўплаб муҳим муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, қимматли қоғозлар бозори ёрдамида аҳоли, корхона, ташкилот ва давлатнинг бўш турган маблағлари миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилади. Бу эса мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириб, халқ фаровонлигини оширади.

**Матлуба ҒОЗИЕВА,**
**магистр**

***"Рухсора-2" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси Самарқанд шаҳрида, кейинчалик вилоят миқёсидаги йирик қурилиш иншоотларида фаолият юритиб, яхшигина довруқ таратди. Бошқача айтганда, фирма қурувчилари қурилиш иншоотларида мармар ётқизиш ва пардозлаш ишларини сифатли уддалаб, халқ назарига тушди. Замон талабига мос кўркам ва бежирим қурилиш ишларини кўрган ҳамда эшитган кишилар ҳеч иккиланмай хусусий ишлаб чиқариш фирмасига буюртма берадиган бўлишди.***

# "ПИШМАГАН" ВАЪДА

Самарқанд шаҳри архитектура ва қурилиш бошқармаси раҳбарлари ҳам бошқарма маъмурий биносни таъмирлаш учун "Рухсора-2"ни танлашди.

Ҳар икки томон ўртасида 2001 йилнинг 3 августида бошқарма маъмурий биносини таъмирлаш учун пудрат шартномаси тузилади. Шартнома қиймати 3 миллион 100 минг сўм эди. Хусусий ишлаб чиқариш фирмаси таъмирлаш ишларига дарҳол киришади. Буюртмачи 13 августга қадар, яъни шартнома имзолангач, ўн кун ичида 1 миллион сўм бўнак тўлаб беради. Фирмадагилар ана шу пулга қурилиш материаллари сотиб олишади ва ишни жонлантириб юборишади.

Орадан кўп ўтмай таъмирлаш ниҳоясига етади. Бошқарма маъмурий биносида хусусий ишлаб чиқариш фирмаси қурувчилари 2 миллион 656 минг 195 сўмлик иш бажаради. Агар тўлаб берилган 1 миллион сўм бўнак пулини чегириб ташласак, буюртмачи фирмага яна 1 миллион 656 минг 195 сўм тўлаши лозим эди. Шунда ора очиқ бўларди.

Аммо тадбиркорнинг йўли ҳар доим ҳам текис ва равон кечмас экан. Энг ёмони, ҳамкорлик қилишга ишонтирган ташкилот кутилмаганда панд берса, иқтисодий таназзулга учраб, боши берк кўчадан чиқолмай қолиши ҳеч гап эмас. "Рухсора-2" фирмаси ҳам ана шундай ҳолни бошидан кечиришга мажбур бўлди. Чунки вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси раҳбарлари қарзни тўлашни орадан йил ўтса-да хаёлларига келтиришмади.

— Қурилишда ҳам тадбиркорлик қилинмаса, иш юришмайди, — дейди фирма раҳбари Неъмат Зокиров. — Бизни сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаб турадиган ҳамкорларимиз бор эди.Бошқармадагилар хизмат ҳақимизни беришмагач, ҳамкорларимиз ҳам бизни совуқ кутиб олиб, қуруқ қайтарадиган бўлди. Бир томондан, йигирма нафар ишчиларга ойлик маош тўлашнинг уддасидан чиқолмай қолдик. Бунинг устига йўл фонди, солиқ тўловларини тўлолмай қарзга ботдик...

Бир сўз айтганда, ҳамкор ташкилотнинг шартнома шартларини қўпол равишда бузиши фирмани инқирозга олиб келиб қўйган.

Шундан сўнг Н.Зокиров қарзни ундиришда амалий ёрдам сўраб, мутасадди идорага мурожаат қилади. Унинг арзи ўрганилганда, архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Фарҳод Багиров вилоят адлия бошқармаси бошлиғи номига қуйидаги мазмунда тушунтириш хати ёзиб беради:

**"Олдинги раҳбар Х.Қаюмов шартномаларни қонуний расмийлаштирмаган. Фирма раҳбари бир неча марта бу иш бўйича менга мурожаат қилди. Низо вужудга келгани сабабли ушбу масалани суд орқали ҳал этишингизни сўраймиз".**

Табиийки, ўша пайтда мазкур тушунтириш хатига эътироз билдириш, ташкилот раҳбарига ҳақиқатни тушунтириш оғир кечарди. Шунинг учун адлия бошқармаси "Рухсора-2" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси манфаатини кўзлаб архитектура ва қурилиш бошқармасини судга берди. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди биринчи босқич суди мазкур ишни кўриб чиқиб, жавобгар — Самарқанд шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси ҳисобидан даъвогар — "Рухсора-2" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси фойдасига 1 миллион 656 минг 195 сўм асосий қарз ва 828 минг 98 сўм устама — жами 2 миллион 484 минг 293 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Фирма раҳбари Н.Зокиров фойдасига унга етказилган маънавий зарар қисман ундириладиган бўлди. Энг қизиғи шундаки, аввал бошда **"ушбу масалани суд орқали ҳал этишингизни сўраймиз"**, дея кўкрак керган Ф.Багиров ҳам, бошқарманинг бошқа бирон-бир вакили ҳам судга келишни ўзларига эп билмади.

— Суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатилган маблағнинг 920 минг сўми бизга дарҳол ундириб берилди, — дейди фирма раҳбари Н.Зокиров. — Йўл фонди ва солиқ тўловларидан қутулдик. Ишчиларимизнинг ҳам қўли анчадан бери пул кўрмаганди. Қурилиш материаллари билан таъминлайдиган ҳамкорларимиз ҳам энди бизни очиқ чеҳра билан қутиб оляпти. Суднинг ҳал қилув қароридан сўнг инқироздан қутиладиган бўлдик.

Хуллас, қонун кўмаги билан хусусий фирма яна қизғин фаолиятга киришди.

**Комил БАҲРИДДИНОВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Qonun ko`magi**

***Кейинги йилларда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини таъминлашга қаратилган шартномавий муносабатларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, бу тизим меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.***

# ШАРТНОМА ВА МАСЪУЛИЯТ

Қишлоқ хўжалиги соҳасида шаклланган иқтисодий муносабатнинг бу шакли таҳлилдан ўтказилса, оддий меҳнат кишиларининг ўз мажбуриятларига масъулият билан ёндашаётганини, аксинча, уларга хизмат кўрсатиши лозим бўлган иккинчи тарафда ана шу масъулият ҳисси етишмаётганини кузатиш мумкин.

Шунинг учун ҳам жорий йилнинг март ойида эълон қилинган Президентимиз Ислом Каримовнинг "**Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида**"ги Фармонида бу масалага алоҳида аҳамият берилиб, мавжуд муаммонинг ечими борасида аниқ йўналишлар белгиланди. Жумладан, унда асосий ишлаб чиқариш бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини ушбу мақсадга бўйсундиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Фармонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш билан бирга уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Ундаги эътиборга молик яна бир жиҳат шуки, эндиликда шартнома мажбуриятларининг ижроси учун томонларнинг жавобгарлиги аниқ белгиланади.

Айрим тайёрловчи ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишига панжа орасидан қараб келиниши кўп ҳолларда ўша корхоналарнинг суд олдида жавобгарликка тортилишига, улардан ортиқча жарима ва устамалар ундирилишига олиб келади. Ўтган йили Навоий вилоятида пилла етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар таҳлили ҳам буни исботлайди.

Баҳорнинг айни ёғин-сочин кунларида иссиқ уйининг тўрини ипак қуртига бўшатиб бериб, эртага шу машаққатлар самарасини кўриш илинжида бўлган пиллакорнинг умиди баъзан пучга чиқаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Қонун талаби бўйича пилла корхоналари пиллакорнинг етиштирган маҳсулотини қабул қилиб олгандан сўнг етти кун ичида барча ҳисоб-китобларни якунига етказиши шарт. Лекин Навоий вилоят пилла корхоналари томонидан 2002 йил ҳосили бўйича ҳисоб-китоблар 57,7 фоиз бажарилиб, шу йилнинг январ ойигача 161 миллион сўмдан зиёд маблағ тўланмаган. Жумладан, Хатирчи туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги ва туман "Пилла" акциядорлик жамиятлари тумандаги "С.Кенжаев" фермер хўжалигига ҳам 416 минг сўм асосий қарз ва 62,5 минг сўм устама тўлади.

Ўтган йили шартнома мажбуриятларини бажармаган вилоят "Пилла" акциядорлик бирлашмаси таркибига кирувчи корхоналарнинг деярли барчасида бундай нохуш ҳолатларни истаганча учратиш мумкин. Адлия идоралари томонидан бундай корхоналарга нисбатан ҳуқуқлари бузилган ширкат ҳамда фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб вилоят хўжалик судига киритган даъво аризалари кўриб чиқилиши натижасида улардан жами 115 миллион сўмга яқин маблағ ундириб олинди.

Вилоят пилла корхоналари раҳбарларининг ҳамон боқимандалик кайфиятида экани, лоқайдлиги ва масъулиятсизлиги, ўз хизмат вазифаси ҳамда тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга совуққонлик билан қараётгани туфайли улар жамиятнинг 15 миллион сўм маблағини ҳавога совуришди.

Шартнома мажбуриятлари бажарилишига ҳамда тўлов интизомига бўлган бундай муносабат корхоналарни иқтисодий ночор аҳволга солаётгани ачинарлидир. Чунки бундай корхоналар охир-оқибатда банкрот бўлмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Юқорида таъкидланган Президент Фармонига мувофиқ эндиликда шартнома мажбуриятлари ижроси борасида аниқ жавобгарлик белгиланса, назаримизда, юқоридаги каби ўз вазифасига масъулиятсиз муносабатда бўладиган мансабдор шахсларга орамизда ўрин қолмайди. Бундан бошқалар ҳам сабоқ чиқаришади, деб умид қиламиз.

**Ботир НОМОЗОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

**Saboq**

# 7 МИЛЛИОН МОЖАРОСИ

**Lafzsizlik jazosi**

Инсофли ва диёнатли одамлар ҳар доим бировнинг ҳақини ейишдан хазар қилади. Лекин шоли курмаксиз бўлмаганидек, софдил ва адолатпарвар инсонлар орасида баъзан диёнатсиз, ўзгалар ҳақидан қўрқмайдиган кимсаларнинг учраб туриши ҳам бор гап. Шу маънода контрактация шартномалари шартини бажармаётган айрим раҳбарларни ана шундай кимсалар сирасига киритиш мумкин.Буни қуйидаги мисоллар ҳам яққол тасдиқлайди. Гап шундаки, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Шуманай туманида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома мажбуриятлари ижросини ўрганиш жараёнида кўплаб қонунбузилиш ҳолатларига дуч келинди. Хусусан, "Шуманай момиғи" акциядорлик жамияти ўтган йили 7 та ширкат, 89 та фермер хўжалиги ва 2 та корхона билан 90.588.400 сўмлик 8800 тонна пахта хомашёси етказиб бериш бўйича шартномалар тузган. Уларнинг шартини бажаришга келганда эса, жамият раҳбарлари "бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар" қабилида иш тутган. Натижада 2002 йилнинг 1 декабр ҳолатига жамоанинг кредитор қарзлари 12.012.114 сўмни, дебитор қарзлари эса 227.150.331 сўмни ташкил этган. Шу тарика 7 та ширкат ва 51 та фермер хўжаликлари аъзоларига 256218 килограмм пахта хомашёси учун 3.348.800 сўмлик терим пули берилмай қолган. Аниқроқ айтганда, О.Кўккўзов номидаги ширкат хўжалигига 1.775.396 сўм, "Шуманай" ширкат хўжалигига 574.224 сўм, М.Абдуллаев номидаги ширкат хўжалигига 517.944 сўм, "Айбуйира" ширкат хўжалигига 342.496 сўм, "Дўстлик байроғи" ширкат хўжалигига 154.896 сўм, "Деҳқонобод" ширкат хўжалигига 125.972 сўм миқдоридаги терим пуллари берилмаган. "Бахтиёр", "Юлдуз", "Муқаддас", "Роҳат", "Дилбар", "Лаззат", "Помир", "Насиба", "Гулчеҳра", "Янги ,аср", "Сарвар", "Ойнур", "Бахт", "Ўрнак" каби фермер хўжаликлари мисолида ҳам худди шу ҳолат кўзга ташланади.

Бундан ташқари, акциядорлик жамияти ва хўжаликлар ўртасида имзоланган шартномалар акциядорлик жамиятининг топширилган маҳсулот учун якуний ҳисоб-китоб қилиш муддатлари, хўжаликларнинг юридик манзиллари, маҳсулотнинг умумий қийматидан бўнак маблағлари кўрсатилмаган. Аммо шунга қарамасдан шартномаларга акциядорлик жамияти раҳбарлари ва ҳуқуқшунос-маслаҳатчилар томонидан жимжимадор шаклларда имзо чекилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги аниқланган қонунбузилишларига асосан хўжалик судига 7 та ширкат хўжаликлари ва 51 та фермер хўжаликлари аъзоларига тўланиши лозим бўлган 7.174.104 сўмлик терим пуллари ҳамда тўловнинг кечиктирилган кунлари учун устама ва жарималар ундириб бериш ҳақида даъво аризалари киритди. Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ устама ва жарималар тўланмайдиган бўлди. Яқинда суд қарори билан 7.174.104 сўм миқдоридаги терим пуллари ўз эгаларига тарқатилди. Шундай қилиб, 7 миллион сўм можароси фермер ва деҳқонлар фойдасига ҳал бўлди.

**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

*Меҳнат интизомини бузиш, яъни ходим ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаган ёки етарли даражада адо этмаса, бундай вазиятда унга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилади. Ходимнинг у ёки бу ҳаракатида (ҳаракатсизлиги) бир йўла қуйидаги учта шарт мавжуд бўлгандагина меҳнат интизомини бузган деб баҳоланади:*

1. Меҳнат интизомини бузгани;

а) ҳайфсан эълон қилиш; б) ўртача иш ҳақининг 30 фоизи (алоҳида ҳолларда 50 фоиздан ошмаган ҳолда)дан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима солиш;

# ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО

## У кимга нисбатан қачон қўлланишини биласизми?

1) Агар ҳаракат (ҳаракатсизлик) қонунга номувофиқ бўлса, яъни ходим юридик мажбуриятларни бузса;

2) Агар содир этилган ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик)да ходимнинг айби бўлса;

3) Агар меҳнат мажбурияти, яъни мазкур меҳнат ҳуқуқий муносабатидан келиб чиқадиган мажбурият бажарилмаган бўлса.

Бундан ташқари, ҳайфсан бериш барча ходимларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Барча ходимлар ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан жавобгарликка тортилади. Раҳбар ва масъул ходимлар, шунингдек, маъмурий идоралар ходимлари махсус Низом ва қоидаларга асосан интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Кези келганда шуни айтиш керакки, интизомий жазога тортиш ҳақидаги буйруқлар қуйидагича расмийлаштирилади:

Намуна:

**Баратов Иззатга** (исм-шарифи) — **Чиноз туман ФҲДЁ бўлими** (касби, вазифаси) **инспектори 15.05.2003 йилда ишга узрсиз сабаб билан келмагани учун (содир этилган ҳаракат) ҳайфсан эълон қилинсин.**

**Асос: Баратов И. нинг 16.05.2003 йилги тушунтириш хати, Меҳнат Кодексининг 181-моддаси 1-банди.**

**Буйруқ билан танишдим: И.Баратов (имзо) 16. 05. 2003 йил (сана).**

Меҳнат интизомини мунтазам равишда бузгани, узрли сабабларсиз ишга келмагани, ишга маст ҳолда келгани учун ходимга унинг ўртача иш ҳақининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ҳам солиниши мумкин. Иш берувчи жаримани ходимнинг ойлик маошидан ушлаб қолади. Меҳнат Кодексининг 164-моддаси талабларига кўра, ҳар сафар иш ҳақи тўлаш пайтида ушлаб қолинадиган пулнинг миқдори ходимга тўланиши лозим бўлган иш ҳақининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

Жаримани ишдан бўшаш нафақаси, компенсация ва қонунда кўрсатилган бошқа тўловлардан ушлаб қолишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат Кодексининг 164-моддаси 6-бандига мувофиқ, ходимга интизомий жазо тариқасида жарима солинганда, унинг иш ҳақидан ушлаб қолиш мумкин.

Интизомий жазога тортиш бўйича умумий қоидалар қуйидагилардан иборат:

б) Меҳнат шартномасини бекор қилиш (Меҳнат Кодекси 100-моддаси 2-қисми 3,4-бандлари).

Ходимга иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида жарима солишга оид буйруқ қуйидагича тайёрланади:

**_____(исм-шарифи) _____га (касби, лавозими) ўртача ойлик иш ҳақининг (маошининг) 30 фоизи миқдорида жарима солинсин.**

**Ҳисобхонага _____(исм-шарифи)нинг ойлик ўртача иш ҳақидан 30 фоизни _____ ойи ҳисобидан ушлаб қолиш таъминласин.**

**Асос: _____нинг тушунтириш хати, далолатнома, Меҳнат Кодексининг 181-моддаси, 2-банди, 164-моддаси 6-банди.**

**Буйруқ билан танишдим _____(имзо) _____ (сана)**

2. Интизомий жазо чорасини қўллашдан олдин ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати олиниши шарт. Бироқ ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши интизомий жазо чорасини қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

3. Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат содир қилингандан сўнг берилади. Фақат ножўя хатти-ҳаракат аниқланган кундан 1 (бир) ой ўтгач, интизомий жазо бериш мумкин эмас (бу муддатга ходим касал бўлган ва меҳнат таътилида юрган вақт кирмайди).

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб 6 (олти) ой ўтгач, интизомий жазо бериш мумкин эмас: Тафтиш ёки молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича аниқланган ножўя хатти-ҳаракат учун 2 (икки) йилдан кейин интизомий жазо берилмайди. Бу муддатларга жиноят иши бўйича иш юритиш вақти кирмайди.

4. Меҳнат интизоми бузилган ҳар бир ҳол учун фақат битта интизомий жазо чораси қўлланиши мумкин (масалан, ҳам ҳайфсан эълон қилиниб, ҳам жарима солиниши мумкин эмас).

5. Меҳнат Кодексининг 182-моддаси 7-қисми талабларига мувофиқ, иш берувчи буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилиб, интизомий жазога тортилган ходимга тилхат орқали эълон қилинади (маълум қилинади).

6. Меҳнат Кодексининг 183-моддасига асосан интизомий жазо берилгандан бошлаб 1 (бир) йил давомида ходим янги интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган, деб ҳисобланади. Интизомий жазо чорасининг амал қилиш муддати давомида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари (ташаккурнома эълон қилиш, мукофотлаш ва ҳоказолар) қўлланиши мумкин эмас.

Эътиборингизга ҳавола қилинган ходимни интизомий жазога тортиш ҳақидаги батафсил тушунтиришлар, ўйлаймизки, барча корхона, муассаса ва ташкилотлар кадрлар бўлимлари ходимлари учун, кенг жамоатчилик учун аниқ қўлланма бўлиб ҳисобланади.

**Тошпўлат ҚОРЁҒДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Huquqiy ma`rifat

# ҚОРЛАР ЁҒДИ, АММО ИЗЛАР БОСИЛМАДИ

Mas`uliyatsizlik

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Вилоят қурилишидаги мақсадли маблағларни ўзаро келишган ҳолда ноқонуний йўллар билан ўтказиб беришдек "операция"лар капитал қурилиш бошқармасида чуқур илдиз отди. Вилоятдаги 574-механизациялаштирилган кўчма жамлама бошлиғи Ч.Туропов, бош ҳисобчи Н.Суханов лар қалбаки шартнома тузиб, унга асосан "Сурхонсавдо" хусусий фирма ҳисобига схема орқали 4 миллион сўмлик маблағни ўтказиб, уни "туя кўрдингми, йўқ", дея ўзлаштириб юборишгани вилоят прокуратураси томонидан олиб борилган текширувда аниқланди.

Корхонанинг иқтисодини ривожлантириш, ишчи-хизматчиларнинг турмуш даражасини ошириш, уларни моддий томондан қўллаб-қувватлашдек муаммоларни одилона ҳал этиш асосан биринчи раҳбарга боғлиқ. Унга кўплаб ҳақ-ҳуқуқлар берилган. Лекин Термиз шаҳри "Иссиқлик манбаи" корхонаси бошлиғи Турдиали Хўжақулов, бош ҳисобчи Бахтиёр Чоршанбиевлар ўзларига ишониб топширилган масъул вазифага совуққонлик билан ёндашиб, корхонани иқтисодий томондан ночор аҳволга солиб қўйишди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ўрнига талон-тарожликларга йўл қўйишди.

Ушбу корхонага қарашли "Газ-31029" "Волга" русумли енгил автомашинадан икки йил давомида вилоят коммунал фойдаланиш ҳудудий бирлашмаси раҳбарлари фойдаланиб келган. Аммо унинг харажатини "Иссиқлик манбаи" корхонаси зиммасига юклаб, чиқимдан ўзларини халос этишган. Шу сабабли ўтган икки йил давомида ана шу машинага 1 миллион 163 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, 906 минг сўмлик бензин ёқилғиси, 338 минг сўмлик ҳайдовчисининг иш ҳақи асоссиз равишда "Иссиқлик манбаи" корхонаси ҳисобидан қопланган. 2003 йилнинг феврал ойига келиб шундай ҳотамтойликлар туфайли корхона 83 миллион 811 минг сўмлик дебиторлик қарзга ботди. Унинг 62 миллион 454 минг сўми аҳолидан ундирилмаган хизмат ҳақи ҳисобидандир. Корхона раҳбарлари ана шу қарзларни тўпплолмаганликлари туфайли ўз лавозимларидан ажралишди. Хўжалик судининг ажримига асосан корхонада шу йилнинг 17 март кунидан бошлаб ташқи бошқарув жорий этилди.

"Бунёдкор-26" қурилиш ҳиссадорлик уюшмасининг раиси К.Эркаев ўз атрофига ҳамтовоқларини тўплаганича давлат мулкини талон-тарож қилишига кенг йўл очиб берди. Уюшма ўз раҳбарининг ҳотамтойлиги натижасида Тоқкент шаҳридаги корхоналарнинг бирига қарашли машинадан вақтинча хизмат йўлида фойдаланди, деган баҳона билан бензин ёқилғисини қалбаки йўл билан харажат қилиб юборишди. 2000-2001 йиллар давомида сохта йўл варақаларга кўра корхона ҳисобидан 2430 лирт, бошқачароқ қилиб айтганда, 393 минг сўмлик бензин ноўрин сарфланди.

Бундан ташқари раҳбарлар ҳеч қайси объектда ишлатилмаган 12 миллиондан ортиқроқ қурилиш материалларини ўз манфаатлари йўлида гумдон қилишди. Вилоят прокуратураси томонидан олиб борилган тергов жараёнида ушбу уюшманинг мансабдор шахслари 84 миллион сўмлик давлат мулкини талон-тарож қилишгани фош этилди.

Вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи С.Хонимқулов якка тартибдаги тадбиркорлар билан ҳам тил топишни ҳам унутмади. Бундай алоқаларнинг замирида, албатта, пул маблағлари ётишини у жуда яхши биларди. Бошқарманинг ўзаро учинчи воситачиси бўлмиш тадбиркорлар билан ўрнатган алоқаси туфайли қурилиш материалларини харид қилиш бозори авж олдирилди. Шу боис ҳам 2001 йилда 36 миллион 637 минг сўм, 2002 йилда 63 миллион 411 минг сўмлик бюджет маблағлари якка тадбиркорлар ва хусусий фирмаларга ҳеч қандай асоссиз ўтказилиб берилди.

Капитал қурилиш бошқармасидаги бундай қонунбузарликларнинг оғир тоши вақтида тузилган шартномага мувофиқ иш бажарган, ҳозир эса ўзига тегишли ҳақни ололмай сарсон бўлаётган қурилиш ташкилотлари, хусусий фирмалар елкасига тушди. Чунки бу масалага дахлдор айбдор мансабдор шахслар ўзларига тегишли жазоси олишади. Асосий қарз ва моддий зарарларни ундириш тўғрисидаги хўжалик судининг қарорларини қўлида кўтариб юрган ўнлаб корхона ва хусусий фирмаларнинг оворагарчилиги эса чексиз. Айниқса, бу талон-тарожликлар оқибатида Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бўлими билан бундан икки йил илгари ўзаро шартнома тузиб, қурилиш ишларини бажарганларнинг аҳволи ғоятда ачинарли. Чунки ушбу капитал қурилиш бошқармаси бугунги кунга келиб, ўз мижозларидан 907 миллион сўмлик қарзи бор. Шаҳар капитал қурилиш бошқармасининг ўзи ҳам ночор аҳволда. Энг ачинарлиси, бошқарма ўзининг иш биносига ҳам эга эмас. Қарздор ташкилот бировнинг уйида ижарада турганда сўнг вилоятдаги тадбиркорлар, хусусий фирмалар, бир пайтлар миллион сўмлаб пулни сарфлаб иш бажарган қурилиш ташкилотлари, хусусий фирмалар ўзларига тегишли маблағни қачон олишларини, уни ким тўлашини билишмайди. Оқибатда уларнинг кўпчилиги синди, кўпчилиги эса синиш арафасида. Хуллас, қорлар ёғди-ю, излар босилмади...

**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун"**
**мухбири**

# «СУД ҚАРОРИ ҚАЧОН ИЖРО ЭТИЛАДИ?»

Tahririsiz maktub

*Синглим иккимиз автоҳалокат туфайли ўлим ёқасидан қайтдик. У умрбод мажруҳ бўлиб, тўшакка михланиб қолди. Ҳозирда биринчи гуруҳ ногирони, ўзгалар ёрдамига муҳтож. Ўзим эса ўша ҳалокат туфайли иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб, доимий врач назоратида тураман. Бизни шу кўйга солган машина ҳайдовчиси Аҳлиддин Абдувалиев эса ҳозир қадар моддий ёрдам бериш у ёқда турсин, ҳатто одамгарчилик юзасидан кўнгил сўраб ҳам келгани йўқ. Суд айбдорлардан биз кўрган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида қарор чиқарди. Лекин ижро варақасини ҳам қачонки, сизлар аввалги шикоят аризамни газетада эълон қилганингиздан сўнггина тегишли идоралар олганмиз деб тан олишди. Аммо шундан сўнг ҳам орадан қанча вақт ўтса-да, улар ҳам суд ҳукмини ижро қилиб беришолмади (суднинг ҳукми 2002 йил октябрда чиққан эди). Чунки ўтган вақт мобайнида айбдор мулксизга айланиб қолибди. Айбдорнинг отаси Булоқбоши туман нон комбинатида бош ҳисобчи бўлиб ишлайди. Данғиллама уйлари, "Тико" автомашинаси бўла туриб, айбдор ўғлини бировнинг чала битган уйида ижарада туради деб ҳужжатлаштирган. Булоқбоши нон дўконининг мудири бўлиб фаолият кўрсатаётган айбдор Аҳлиддин Абдувалиев ҳеч қаерда ишламас эмиш.*

*Синглим Дилафруз Шоназарованинг аҳволи оғир, у ҳам врачларнинг ёрдамига муҳтож. Айбдор эса биз ва қонун идораларига чап бериб, қочиб юрибди. Бу ҳол қачонгача давом этади?*

**Дилором МАҲМУДОВА,**
**Кармана тумани,**
**Баҳор кўчаси, 30-уй.**

# БОЛАЛАРНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИ

Mitti maslahat

Мамлакатимиз фуқароси бўлган болани чет эл фуқаролари ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олиш ҳоллари ҳам амалиётда кузатилмоқда.

Бундай ҳолларда болани фарзандликка олишда Оила Кодексининг 151-167 ҳамда 237-моддалари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 171-сон Қарори 3-иловаси билан тасдиқланган **"Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида"**ги Низом талабларига қатъий амал қилиш лозим.

Фуқароларимиз бўлган болаларни фарзандликка олиш мамлакатимизда ўз дипломатик ваколатхонасига эга давлатларнинг фуқаролари томонидан амалга оширилади. Фарзандликка олишни истовчи шахсларни рўйхатдан ўтказиш Халқ таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади. Фарзандликка олишнинг асосий шарти дипломатик ваколатхонанинг қуйидаги маълумотлари — фарзандликка бола олишни истовчи фуқаролар фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти, турар жойи, моддий аҳволи ҳақидаги маълумотларни, тиббий хулоса, оиланинг ахлоқий-руҳий шарт-шароити, шунингдек, фарзандликка олувчининг ҳар бирига тавсифномаларни ўз ичига олган илтимосномаси ҳисобланади.

Мамлакатимиз фуқароси бўлган ва ҳудудимиздан ташқарида яшаётган болани фарзандликка олиш фарзандликка олувчи қайси давлатнинг фуқароси бўлса, ўша давлатнинг ваколатли идораси томонидан амалга оширилгани, агар бола ёки унинг ота-онаси (улардан бири) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан жўнаб кетишдан олдин яшаб турган жойидаги туман, шаҳар ҳокимининг фарзандликка олиш тўғрисидаги рухсатини олдиндан олган бўлсагина «ҳақиқий» деб эътироф этилади.

Мабодо, фарзандликка олиш натижасида боланинг мамлакатимиз қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар билан белгиланган ҳуқуқлари бузилса, фарзандликка олувчи қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъий назар, суд тартибида унинг ота-оналиги бекор қилиниши керак.

**Жаҳонгир ШЕРМАТОВ**

Jahon tajribasi

# ФРАНЦИЯ: ЮВЕНАЛ АДЛИЯ ТИЗИМИ

***Хорижий давлатларнинг ҳуқуқий тизимида Франция қонунчилиги бир қанча ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Ана шундан фарқли хусусиятлардан бири ювенал адлия тизимидир.***

Франция ювенал адлия тизими ҳақида гап кетганда, унинг асосини Франция Конституцияси, Напалеон фуқаролик кодекси (1804 йилда қабул қилинган), Франция жиноят ва жиноят процессуал қонунлар тўплами (1808-1910 йилларда қабул қилинган)ташкил этишини таъкидлаб ўтиш ўринли. Яна бир муҳим маълумот шундан иборатки, ювенал адлия тизими Францияда аксарият Европа мамлакатларига нисбатан кейинроқ пайдо бўлди. Ушбу янги тизимини жорий этишда дастлаб "болалар суди" фаолияти йўлга қўйилди. Бу борада АҚШ ювенал адлия тизими тажрибасидан кенг фойдаланилди. Шу билан бирга АҚШ тажрибасидан кўр-кўрона кўчириш йўлидан борилмади. Аксинча, маҳаллий шарт-шароит хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган. Хусусан, вояга етмаган айбланувчиларни дастлабки тергов давомида назорат қилиш вазифаси суд полициясининг зиммасига юклатилди.

Бу усул суд тизими орқали терговчи, судья, прокурорнинг розилиги билан вояга етмаган айбланувчиларни махсус тарбия муассасига жойлаштириш имкониятини юзага келтирди. Бундан ташқари, "Болалар суди" билан бир вақтда махсус васийлик кенгаши ташкил этилди. Кенгаш ўз навбатида вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланди. Ушбу кенгаш фаолияти 12 ёшгача бўлган болаларни жиноий ишлар бўйича судида алоҳида шаклда кўриб чиқишга йўналтирилди. Кейинчалик бу кенгаш оилавий судларнинг ташкил этилиши учун асос вазифасини ўтади ва фуқаровий ишлар бўйича суд тизимига киритилди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кейинчалик вояга етмаганларнинг ишларини алоҳида эмас, балки умумий ҳолда ҳам кўриш йўлга қўйилди. Жумладан, вояга етмаган бола содир этган ҳаракатининг оқибатини ангалмаган ҳолда амалга оширган, мамлакат жиноят қонунчилигида кўрсатилган оғир жиноятга қўл урган, жиноят катта ёшдагилар билан бирга, уларнинг раҳбарлиги остида содир этилган бўлса, бундай жиноий ишлар умумий судларда кўриладиган бўлди.

Кейинчалик қабул қилинган бир нечта қонунлар асосида вояга етмаганлар тўғрисидаги ишлар бўйича автоном суд тизими шакллантирилди. Бунда вояга етмаганларга тааллуқли ишлар катта ёшдагиларники билан тенглаштирилди. Бу жараёнда фаолияти муҳим аҳамият касб этувчи судъяларнинг уч йил муддатга тайинланиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, ҳар бир департаментда бир нафардан болалар судъяси фаолият юрита бошлади. Энг муҳими, болалар судъяси билан тергов судъяси ўртасида олиб борилаётган вазифалар аниқ тақсимланди.



Аниқроқ айтганда, ножўя хатти-ҳаракат ва оддий қоидабузарликларга оид ишларни ҳар иккаласи ҳам кўриши йўлга қўйилди, жиноий жавобгарликка асос бўладиган ишлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар эса тергов судининг зиммасига юклатилди.

Вояга етмаганлар ишини кўришнинг биринчи босқичида судья айбланувчи бўлган вояга етмаганнинг шахси билан атрофлича танишиб чиқади ва унинг ножўя хатти-ҳаракатларини батафсил ўрганади. Шундан сўнггина муайян қарор қабул қилиши мумкин. Шунингдек, қонунчиликда зарур ҳолларда судья тезкор чораларини кўриши, яъни ўсмирни оиладан ажратиб, уни тарбиявий назорат процессуал талаб вазифасини ўтайди.

Таъкидлаш жоизки, болалар судида ўз фаолиятини олиб борувчи судья вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод қилиши, ҳуқуқбузарлиги учун тарбиявий таъсир чораларини қўллаш, танбеҳ бериш ва ўсмирга нисбатан "хавфсизлик чораси"ни қўллаш ваколатига эга. Бундан ташқари, у жуда мураккаб ишларни давом эттириш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича трибуналга юбориши мумкин. Чунки трибунал судъянинг жиноий процессидаги ишини қайта текшириб чиқади ва тегишли хулосага келади.

Бу жараёнда болалар судъяси, магистрант бўлмаган икки маслаҳатчи қатнашиши лозим. Маслаҳатчилар 4 йил муддатга ювенал адлия томонидан тайинланади.

Ишни трибунал босқичида кўриш жараёнида вояга етмаганлар билан бир қаторда катта ёшдаги иштирокчилар ҳам қатнашади ва улардан ҳам зарур маълумотлар олинади.

Бундан ташқари, трибунал раиси вояга етмаганни суд мажлисида қатнаштирмасдан чиқариб юбориши ҳам мумкин. Бундай вазиятда вояга етмаган манфаатини унинг ота-онаси, ҳомийси ва адвокати ҳимоя қилади.

Вояга етмаганларнинг суд жараёнида Франция жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ прокурор ҳам иштирок этади. Прокурор фаолияти вояга етмаганлар ишлари бўйича трибунал доираси ва вояга етмаганлар ишлари бўйича қасамёдлар судида муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани вояга етмаганлар ишлари бўйича трибунал ҳузуридаги прокурор бажаради.

Таъкидлаш жоизки, прокурор ишнинг боришига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки прокурор суд томонидан судлов муҳокамасини ўтказишга имкон берадиган дастлабки асосий материалларининг тўлиқ бўлишини таъминлайди. Қолаверса, прокурор учун тезкор тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳуқуқий асос ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ишни судга ошириш ёки тўхтатиш масаласини ҳал этиш имконини беради. Шу боис прокурор вояга етмаган айбланувчига нисбатан қўлланиладиган чора тўғрисида ўз фикрини айтиши суднинг қарорига ўз эътирозини билдириши, вояга етмаганга нисбатан қандай чора қўллаш лозимлигини, шунингдек, тергов материаллари етарли ёки етарли эмаслигини маълум қилишга ҳақли. Шунингдек, вояга етмаганлар иши бўйича трибуналда прокурор вояга етмаганга нисбатан ўз айбловини ва унга қўлланиладиган жазо чоралари тўғрисидаги фикрини эълон қилади.

Судда унинг вазифасини бош прокурор ёки вояга етмаганлар иши бўйича масъул бўлган магистрант бажаради.

Хуллас, Францияда фаолият юритувчи "Болалар суди" кўпгина хусусиятлари билан Европа давлатларининг бу борадаги ҳуқуқ тизимидан алоҳида ажралиб туради. У ҳар доим ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётгани билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

**Муроджон МИРЗАЛИЕВ**

Ajab savdolar

# "ЖИНОЯТЧИ" ИТ ВА БУЗОҚ МАШМАШАСИ

Андижон вилоят судининг кассация судлов ҳайъати ишни батафсил ўрганиб чиқди. Суд мажлисида Тўлқин Каримов даъвогарнинг даъвосига иқрор бўлмасдан, аввал ит боққани, лекин кейинги икки йилдан буён уйида ит сақламагани, ўзининг итини онасига, далага бериб юборгани, қўшнисининг бузоғини қанақа ит ва кимнинг ити тишлаганини билмаслигини баён этиб, суддан даъвогарнинг даъвосини рад этишни сўради. Аммо сўнг Дадамирза аканинг оила аъзолари қирқ кунга яқин касалхонага қатнаб даволанишди, дори-дармон олишди. Шундай қилиб, унинг оиласи анча зарар кўрди. Аммо бу ҳодиса ва зарарларнинг сабабчиси бўлган "жиноятчи" итнинг эгаси пинагини ҳам бузмади. Бошқача айтганда, у азият чеккан қўшнисига ёрдам бериш тугул ҳол-аҳвол ҳам сўраги келмади. Бу ҳол Дадамирза аканинг ғашига тегди. Ўйлай-ўйлай, охири у 200 минг сўмлик етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида судга даъво аризаси берди.

2002 йил 6 феврал куни фуқаролик ишлари бўйича Янгиқўрғон туманлараро суди унинг даъво аризасини кўриб чиқиб, уни рад этди. Бундан норози бўлган Д.Отамирзаев тегишли тартибда шикоят ёзди, Косонсой туман прокуратураси эса протест келтирди. Бу шикоят билан протест фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг кассация инстанциясида 2002 йил 11 апрел куни кўриб чиқилди ва суднинг олдинги қарорини қисман бекор қилиб, юз минг сўм маънавий зарар ундириш ҳақида қарор чиқарди. Бу ажримга нисбатан Наманган вилоят прокурори 2002 йил 25 июнь куни назорат тартибида протест келтирди.

Мазкур протест асосида иш фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди раёсатида 2002 йил 9 октябр куни кўрилиб, биринчи ҳал қилув қарори ҳам, иккинчи ажрим ҳам бекор қилинди. Иш янгидан кўриш учун фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига юборилди. 2002 йил 3 декабрь куни ушбу иш янги таркибда кўрилиб, даъво батамом рад этилди. Бу қарордан норози бўлган Дадамирза Отамирзаев кассация тартибида яна шикоят аризаси ёзди.

Энди бу иш фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судида кворум йўқлиги учун фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судида шу йил 17 апрель куни кўриб чиқилди. Бу ушбу ишнинг судларда умумий ҳисобда бешинчи марта кўрилиши эди.

Дунёнинг ишлари қизиқ экан. Бундан роппа-роса икки йил бурун, яъни 2001 йил 18 май куни косонсойлик Тўлқин Каримовнинг ити қўшниси Дадамирза Отамирзаевнинг уйига кириб, бир ёшли бузоғининг қулоғини тишлаб узиб олди. Орадан ўн беш кун ўтгач, оғзидан кўпик келиб, бузоқ дабдурустдан ўлди.

Табиийки, бузоқ эгалари ветеринария врачига мурожаат этишди. Врач эса бузоқни қутуриш касалидан ўлган, деб тахмин қилиб, унинг лошини қуйдириб, кўмиб ташлашни маслаҳат берди. Шунингдек, бу ҳодисадан олдинги суд мажлисларида иш материалларининг бир варақасида унинг ўзи итини далага бериб юборгандан сўнг ит уйига қайтиб келиб, ўша куни бузоқни тишлаб олганини билдирган.

Бундан ташқари, иш материалларининг 11-варағида маҳалла фуқаролари томонидан тузилган далолатномада ҳам ҳақиқатда Тўлқин Каримовнинг ити Д.Отамирзаевнинг бир ёшли бузоғини тишлаб олгани кўрсатилган. Шунингдек, бузоқ ҳам қутуриш касали билан эмас, балки "оқшалоқ" касаллиги туфайли ўлгани экспертиза хулосаси билан тасдиқланган. Лекин Д.Отамирзаевнинг оила аъзолари ҳам стационар тартибда касалликка қарши эмланганги, Косонсойга қатнаб даволангани хужжатларда ўз исботини топган.

Судлов ҳайъати ана шуларни ҳисобга олиб, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2002 йил 3 декабрдаги ҳал қилув қарорини бекор қилди ва даъвогар — Отамирза Дадамирзаев фойдасига жавобгар — Тўлқин Каримовдан 30 минг сўм моддий ҳамда 50 минг сўм маънавий зарар ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Шу билан посанги баравар бўлиб, низо ҳал этилса-ку хўп-хўп. Акс ҳолда замонавий "Калила ва Димна" қиссаси давом этиши мумкин. Буни энди вақт кўрсатади. Бироқ шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз: қўнирқўшнилар ўртасидаги арзимас воқеа нега судда беш бор кўрилди? Ҳолбуки, уни маҳалла миқёсида ҳал этиб бўлмасмиди? Бу ҳол қўшниларнинг қонунларни яхши билганини англатадими ёки улар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқолганинимі?

Баён этилган воқеа ана шундай жиҳатлари билан эътиборлидир. Демак, бундан ким қандай хулоса чиқаради — ихтиёр ўзида.

**Илҳомжон ЭҒАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Munosabat

# БЕМАВРИД ЛУҚМА

## ЁХУД ЖУРНАЛИСТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ НИМАДАН ИБОРАТ?

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳеч бир соҳани четлаб ўтаётгани йўқ. Хусусан, сўз эркинлигини таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш борасида ҳам кўплаб ижобий ютуқлар қўлга киритилди. Энг муҳими, ҳар бир фуқаронинг эркин ахборот олиши ва ўз фикр-мулоҳазасини матбуот орқали билдиришига мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Бироқ ушбу ислоҳотларнинг мазмунмоҳиятини ҳамма ҳам тўғри тушуниб етаяпди, деб бўлмайди. Гап шундаки, айрим журналистларнинг амалдаги қонунларни билмаслиги ёки уларни атайлаб бузиши оқибатида матбуотда чалкаш ва нотўғри маълумотларга ва ҳатто ёлғон маълумотларга асосланган мақолалар ҳам эълон қилинмоқда. Бу эса кўплаб англашмовчиликларни юзага келтириш баробарида бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин. Бунга мисол тариқасида "Зеркало XXI" газетасининг шу йил 20-26 мартдаги 12-сонли чоп этилган Надежда Жаркова қаламига мансуб "Прокурор заявлает протест" номли мақолани айтиб ўтиш ўринлидир. Чунки ушбу мақолада муаллиф суд ҳукмига асосланмаган, янаям тўғрироғи, тергов ҳаракатлари давом этаётган ҳолатда айбланувчи фуқаро Аббос Шодиевга нисбатан бирёқлама хулосага келган. Аниқроқ айтганда, мақола муаллифи суд ҳукми билан айби тасдиқланмаган Аббос Шодиевни йирик жиноятчи деб атаб, уни фирибгарликда айблаган. У дастлабки тергов натижаларига асосланиб воқеа ва далилларни бузиб талқин этган. Бу эса қонунчиликда белгиланган айбсизлик презумпцияси тамойили ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун талабига мутлақо зиддир.

Энди воқеанинг асл тафсилотига тўхталиб ўтадиган бўлсак, дастлабки тергов идоралари томонидан А.Шодиев қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбланган: «У 1999 йил 2 сентябр куни фуқаро А.Шукуллаевни хорижга ишга юбораман деб алдаб, унинг ишончига кириб, фирибгарлик йўли билан унинг бир ярим миллион сўм пулини ўз эҳтиёжига ўзлаштириб юборган. А.Шодиев бундай фирибгарликни жиноий хатти-ҳаракатларини онгли равишда такроран давом эттириб, 1999 йил 5 декабр куни худди шу йўл билан Ш.Жалилов, И.Иброҳимов ва А.Маҳмудовдан тўрт ярим миллион сўм пулни қўлга киритган».

***(Давоми тўртинчи бетда)***

Munosabat

# БЕМАВРИД ЛУҚМА

## ЁХУД ЖУРНАЛИСТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ НИМАДАН ИБОРАТ?

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

А.Шодиевнинг ушбу жиноий хатти-ҳаракатлари дастлабки тергов идоралари томонидан Жиноят Кодексининг бир нечта моддалари билан малакаланиб, унга тегишли қонуний жазо тайинлаш учун жиноят иши суд ихтиёрига топширилган. Шундан сўнг жиноят иши жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судида кўриб чиқилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари тўлиқ олиб борилмагани аниқланиб, 2002 йилнинг 15 ноябр куни ажрим асосида қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш учун туман прокуратурасига қайтарилган. Мазкур ажрим устидан судга Тошкент шаҳар прокурори томонидан кассация тартибида шикоят келиб тушган бўлиб, унда туман суди томонидан иш ҳужжатлари қалбакилаштирилгани сабабли туман судининг А.Шодиевга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ва ишни қўшимча терговга юбориш ҳақидаги ажримини бекор қилиш сўралган.

Ҳақиқатдан ҳам, иш бўйича суд мажлиси котибаси Ш.Обидованинг уқувсизлиги ва тажрибасизлиги натижасида ишга суд мажлиси баённомасининг иш экспертизадан қайтиб келган вақтидан бошлаб тузилган қисми ишга қўшилмай қолган. Бунинг учун котибага "ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланилган. Шунингдек, бу ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар судлари судьяларининг малака ҳайъати томонидан хизмат текшируви ўтказилган ва жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг шу йил 5 март кунидаги ажримига асосан туман судининг 2002 йил 23 октябр кунидаги судланувчини эҳтиёт чорасини ўзгартириш ҳақидаги ва 2002 йил 15 ноябр кунидаги ишни қўшимча тергов ҳаракатларига юбориш ҳақидаги ажримлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун туман судига юборилган ва А.Шодиевга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ўзгартирилган. Мақола муаллифи эса А.Шодиевни суднинг қонуний кучга кирган ҳукми чиқмасдан туриб фирибгарликда айблаган ва уни жиноят дунёсининг "наҳанги" деб таърифлаган. Бошқача айтганда, А. Шодиевнинг айби дастлабки тергов идоралари томонидан тўлиқ тасдиқланди, деб айрим шахсларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда нотўғри маълумот тарқатган.

Ваҳоланки, Бош Қомусимиз бўлган Конституциянинг 112-моддасида судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида қайд этилишича, прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш, номини кўрсатмаслик шарти билан маълумот берган шахснинг номини ошкор қилиш (суд ошкор этишни талаб қиладиган ҳоллар бундан мустасно) таъқиқланади. Қолаверса, Жиноят Кодексининг 4-моддасида назарда тутилган қонунийлик тамойилига асосан ҳеч ким суднинг ҳукмисиз жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, ЖПКнинг 23-моддасига асосан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз деб ҳисобланади ва айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Мақолада Тошкент шаҳар прокурорининг протести тўлиқ кўчириб олинган бўлиб, унда ёзилишича, суд мажлиси 23 ноябр 2002 йил бўлиб ўтган. Аслида эса суд 2002 йил 15 ноябр куни тугаган ва 23 ноябр куни суд мажлиси бўлмаган, балки суд мажлиси баённомасида котибанинг айби билан "октябр" ойи ўрнига "ноябр" ойи нотўғри ёзилган. Бундай хатоликлар дастлабки тергов идоралари томонидан ҳам содир этилган. Шунингдек, мақолада прокурорга жиноят иши қонун талаби бўйича 5 суткада эмас, балки 13 кунда юборилган, деб баён этилган. Бу билан томонларнинг суд қарори устидан 10 кун муддат ичида шикоят қилиши мумкинлиги инобатга олинмаган. Зеро, ЖПКнинг 497-моддасига биноан юқори турувчи суд томонидан чиқарилган ажрим (қарор) чиқарилганидан кейин у узоғи билан беш сутка ичида жиноят иши билан бирга қўшиб ҳукм ёки апелляция ёхуд кассация ажрими чиқарган судга ёки бошқа судга, иш қўшимча терговга жўнатилган тақдирда эса айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ижро этиш учун юборилиши лозим.

Шунингдек, мақолада "А.Шодиев икки маротаба судлангани ва зарарни қопламагани сабабли унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасининг ўзгартирилиши мумкин эмас эди" деб баён этилган.

Аслида А.Шодиев 1998 йил бир маротаба судланган, лекин "Амнистия тўғрисида"ги Президент Фармонига асосан жазодан озод этилган. ЖКнинг 77-моддасига мувофиқ, суд томонидан жазодан озод этилган шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг шу йил 16 апрелдаги ажримига асосан фуқаро А.Шодиевга тааллуқли бўлган 1-215/2003-сонли жиноят иши яна дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказиш учун туман прокуратурасига қайтарилган. Ҳозирги пайтда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда ва табиийки, А.Шодиевга нисбатан суднинг ҳал қилув ҳукми эълон қилингани йўқ.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, матбуот орқали ҳар ким ўз фикри ва қарашларини эркин билдириш ҳуқуқига эга. Бироқ бу ҳуқуқнинг ҳам ўзига хос меъёри ва масъулияти бор. Қолаверса, қонун талаби ҳамма учун баравар. Уни бузиш ёки бошқача талқин этиш асло мумкин эмас. Шу боис ҳар доим сўз айтиш масъулияти ва қонун талабини унутмаслик зарур. Шу маънода баён этилган воқеа тафсилоти ҳуқуқ соҳасида қалам тебратишга шайланган ҳар бир кишига сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

**Жамшид САИДАЛИЕВ,**
**Мухтор СОБИРОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Bir jinoyat tarixi

# ZACHARY TAYLOR:

## СИРЛИ СУИҚАСД

***Маълумки, ўз вақтида Америка президенти лавозимида фаолият юритган Авраам Линкольн, Жеймс Гарфилд, Уилям Мак-Кинли ва Жон Кеннеди мудҳиш суиқасд қурбони бўлишган. Бу қотилликка қўл урган ва унга раҳнамолик қилган шахслар ўз вақтида жазога тортилган.***

Лекин президент Жон Кеннединнинг қотили ким экани орадан анча йиллар ўтганига қарамай ҳали-ҳануз сирлигича қолмоқда. Ҳолбуки, дунёда рўй берган бирон-бир қотиллик ҳақида бунчалик кўп тахмин-у фараз тўқилмаган. Бироқ буларнинг биронтаси мазкур қотиликка ойдинлик киритгани йўқ.

Бундан ташқари, Америка тарихида давлат раҳбарларига фақат тўппончадан ўқ отиб суиқасд уюштирилмаган, балки заҳар бериб ўлдирилган президентлар ҳам учрайди. Ҳар бир кишини ҳайратда қолдирадиган ана шундай сирли жиноят қурбонига айланган шахслардан бири Закари Тейлор саналади.

Оиладаги 9 нафар фарзанднинг учинчиси бўлган Закари 1784 йилнинг 24 ноябр куни АҚШнинг Кентукки штатида дунёга келади. Оила бошлиғи Ричард Тейлор асосан деҳқончилик орқасидан рўзғор тебратар, Сара хоним эса болалар тарбияси билан банд эди. Закарининг болалиги ана шундай ўрта ҳол оилада кечади. Бунинг устига у бошланғич таълимни ҳам уйида, отасининг қўлида олади. Чунки улар яшайдиган жойда мактаб йўқ эди. Закари вояга ета бошлагач, отаси уни ҳақиқий ҳарбий бўлишини орзу қилар ва доимо унга фидоий ҳарбий бўлиш учун жисмоний кучнинг ўзи камлик қилади, бунинг учун инсон маънавий жиҳатдан ҳам бақувват бўлиши керак, деб уқтирарди. Ана шундай руҳда камол топган Закари Тейлор орадан кўп вақт ўтмай АҚШ қуролли кучлари сафига қабул қилинади. У дастлаб лейтенант, кейинчалик эса капитан унвонини олади. 1808 йилда Закари Тейлор етим ўсган Маргарет Смит исмли қизга уйланади. Унинг оилавий ҳаёти оддий ва бахтли кечади.

Шуни айтиш керакки, Закари Тейлорнинг номи илк марта халқнинг тилига Мексика билан уруш бошланган кезларда тушади. Чунки ўша пайтда қарийб ўн йилдан буён узлуксиз давом этиб келаётган бу урушни тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида Закари Тейлор бутун куч-қудратини сарфлайди.

Бу саъй-ҳаракатлари натижасида у қарийб миллат қаҳрамонига айланади. Шундан сўнг Англия, Шотландия ва Америка вакилларини ўз ичига олган, қуллик ҳамда эски тузум тарафдори бўлган Виггилар партияси Закари Тейлор номзодини мамлакат президентлигига кўрсатишга қарор қилишади. Аввалига Закари Тейлор виггиларнинг бу таклифига қаттиқ қаршилик кўрсатади. Чунки у табиатан сиёсатни ҳам, давлат раҳбари бўлишни ҳам унчалик хушламасди. Бироқ партиядошлари қатъий туриб талаб қилишгач, у розилик беришга мажбур бўлади.

1849 йилда бўлиб ўтган сайловда қўли баланд келган Закари Тейлор АҚШнинг 12-чи президенти этиб сайланади. Шуниси қизиқки, қасамёд маросими куни Президент Закари Тейлорнинг афт-ангори, ўзини тутиши ҳаммани ҳайрон қолдиради. У ҳаётидаги энг хушсаодат дамда ҳам қувониш ўрнига алланарсадан безовтадек хаёлли паришон кўринар, юзкўзларида шубҳали бир туйғу соя ташлаб турарди.

Ким билади, эҳтимол, уни президентлик лавозимининг салобати босгандир. Эҳтимол, олдинда рўй бериши мумкин бўлган бахтсизлик унинг дилига ғашлик солгандир. Қолаверса, ўша пайтда суюкли хотини Маргарет хонимнинг ногирон бўлиб қолгани ва Виггилар партияси билан жиддий келишмовчилик юзага келганини ўйлаб эзилган бўлса, ажаб эмас.

Хуллас, ўша дамда унинг кўнглида нималар кечгани ёлғиз худога аён. Фақат шуниси аниқки, Закари Тейлор президентлик фаолиятини олиб борган давр Америка ҳаёти учун анча оғир кечди. Чунки бир томондан, узоқ давом этган уруш оқибатида мамлакат иқтисоди издан чиққан, очлик ва қашшоқлик авж олган эди. Энг ёмони, турли хил юқумли касалликлар оммавий равишда тарқалиб, минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган бўлса, иккинчи томондан, қуллик, тенгсизлик, адолатсизлик авжига минган эди. Бундай ҳол табиийки, жамият ривожига тўсиқлик қиларди. Бу иллатларга қарши мардонавор курашишга отланган президент Тейлор сайловдан сўнг орадан 16 ой ўтгач, ҳеч қандай сабабсиз барчани армон ва ҳайратда қолдириб бу ёруғ оламни тарк этади. Ўшанда ҳам, ундан сўнг ҳам бирон-бир кимса Закари Тейлорнинг ўлими сабабини аниқлай олмади. Бу ўлим икки асрнинг сирли жумбоғи бўлиб келаётган эди. Лекин буни қарангки, бундан 12 йилча бурун (1991 йил) бир гуруҳ экспертлар президент Тейлорнинг қабрини очиб, тана қисмини синчковлик билан текшириб кўришди ва бу жумбоқнинг ечимини топишга муваффақ бўлишди.

Аниқланишича, Закари Тейлор заҳарлаб ўлдирилган экан. Хуллас, Америка Президентларига нисбатан содир этилган яна бир оғир жиноят фош этилди. Аммо қотилнинг ким экани яна сирлигича қолаверди.

**Ҳусан ТУРСУНОВ**

Mitti maslahat

# ФУҚАРОЛИК ВА НИКОҲ

Оила Кодексида фуқароларнинг никоҳдан ўтиш чоғида Ўзбекистон ёки чет эл фуқароси экани, озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳдан ўтиш қоидалари ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилганки, буни билиши фойдадан холи эмас. Чунки никоҳ томонларнинг розилигидан ташқари бошқа ҳужжатларга ҳам асосланган ҳолда амалга оширилади.

Оила Кодексининг 216-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳни қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади. Фақат бундай ҳолда никоҳ қайд этиладиган кунда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистонда турганини тасдиқловчи визаси ҳақиқий бўлиши ва никоҳга кириши ҳақидаги аризасига Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси илова қилиниши шарт. Шунингдек, чет эл фуқаролари никоҳдан ўтиш учун ариза беришдан олдин визалари билан фуқароларнинг хорижга чиқиш ва келишини рўйхатдан ўтказиш бўлимидан рўйхатдан ўтиши шарт.

Никоҳ тузилганлигини қайд этишнинг алоҳида ҳоллари Оила Кодексининг 217-моддасида кўрсатилган. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасаларда ўтаётган шахслар билан тузиладиган никоҳни қайд этиш ушбу муассаса жойлашган ҳудуддаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тергов изоляторлари ва жазони ижро этиш жойларидаги шахслар билан никоҳни қайд этиш ушбу муассасалар жойлашган ҳудуддаги ФҲДЁ идораси томонидан амалга оширилади.

Юқори кўрсатилган шахслар билан никоҳни қайд этишда иши тергов ёки судланувчи шахс қайси идора ҳисобида турган бўлса, ўша идоранинг ёзма равишда розилигини олиш зарур.

Амалиётда бундай никоҳни қайд этишни сўраб одатда иши тергов ёки судда бўлган, айбланувчи ёки маҳкум шахс билан никоҳга киришни хоҳлаган шахс мурожаат этади.

Маҳкум билан никоҳга киришни хоҳловчи шахс никоҳга кириш ҳақида махсус шаклдаги аризани ўзига тааллуқли қисмини тўлдириб, ўзи доимий яшаётган ёки жазони ижро этиш муассаса жойлашган ҳудуддаги ФҲДЁ идорасига аризада кўрсатилган ариза берувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан солиштириб, аризада қайд этилган маълумотларнинг тўғрилигини ва аризачининг жазосини тасдиқлаб, ариза берувчи қайтаради. Шундан сўнг маҳкум шахс билан никоҳдан ўтишни истовчи шахс аризасини маҳкумга бериш учун жазони ижро этувчи муассасага юборади. Жазони ижро этувчи муассаса маъмурияти аризанинг тегишли қисмини тўлдириш учун маҳкум жазони ижро этувчи муассаса жойлашган ҳудуддаги ФҲДЁ идорасига юборади.

Судгача (эҳтиёт чораси сифатида) қамоқда сақланаётган шахслар билан никоҳни қайд этиш тергов ишини олиб бораётган мансабдор шахс ёки орган рухсати билан шу ҳудуддаги ФҲДЁ идораси томонидан тергов изолятори (қамоқхонада) амалга оширилади.

**Муборак САИДОВА,**
**ҳуқуқшунос**

Jinoyat va jazo

***Норбой Шарифбоев ҳозирда нақ эллик ёшни қоралаган. Айни йиллар давомида олий маълумотли мутахассис сифатида нуфузли лавозимларда хизмат қилган турмуш ўртоғи Ўғилжон Хидирбоева билан биргаликда олти нафар фарзандни тарбиялаб, камолга етказган. Лекин инсон қайси ёшда бўлишидан қатъи назар, бир йўлдан адашмасин экан. Норбой Шарифбоев ҳам топар-тутари жойида бўлса-да, шайтон васвасасига учиб, гиёҳвандфурушлик йўлини танлади.***

# ИСНОД

Гиёҳвандлик ва гиёҳфурушлик шундай бир балоки, у доимо иродасиз, субутсиз одамларни оҳанграбо каби ўзига тортиб олади. Гирдоб эса кенгая боради. Лекин бу гирдобга кирганлар олдинда ўзларини тубсиз жарлик, қабоҳат, қутаётганлигини билмайди.

...Ўша куни Муҳайё исмли самарқандлик нашаванд аёл ҳам уларникига меҳмон бўлиб келган эди. Норбой қишлоқдан ширакайф қайтди. Хотини Ўғилжон ва Муҳайёларга бир-икки оғиз ҳазил-ҳузил гап қотди. Кейин озгина чарчоғимни ёзай, деди-ю, ўрнига чўзилди. Аммо кўзини юмганча бўлмай, кўча эшиги секин тақиллаб, ичкарига эски таниши Ҳайитбой кириб келди.

— Ўтмайсанми, — деб илтифот кўрсатди унга Норбой. — Бир-икки қадаҳ чўқиштирамиз...

Ҳайитбой хонтахта атрофига енгил чўкди. Ўғилжон дастурхонга югурди. Икки улфат бир қадаҳдан бўшатишди. Юзига озгина қизиллик югура бошлаган Ҳайитбой гап бошлади.

— Норбой ака, ҳалигидан пича керак эди. Йигитлар сўраяпти...

— Ким?

— Таниш йигитлар, — деди Ҳайитбой. — Қўрқманг, ўзимизнинг одамлар.

— Ундай бўлса, майли, — деди Норбой гавдасини яна ёстиққа ташлади.

Ўғилжон эрининг таклифи билан ичкаридан митти тарози ва целлофан қоғозга ўралган пакетни олиб чиқди ва «героин» моддасини тарозида тортта бошлади. 1 грамм миқдордаги гиёҳвандлик моддасини Ҳайитбойга тутқазиб, ундан 45 минг сўм пулни санаб олди.

— Бу кўрсатиш учун, — деди Ҳайитбой «героин»ни чўнтагига жойларкан. — Йигитларга кўпроқ керак экан. Гиёҳ ёқса, яна келамиз.

— Келавермайсанми, — деди Норбой димоғини сал кўтариб, — бош омон бўлса, дўппи топилади.

"Ёмон эмас, — деб қўйди Ҳайитбой ўзича кўчада одимларкан. — 40 грамм топиб берсам, 25 минг меники бўлади". Аммо унинг бу хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Остона олдида уни қарши олган йигитлардан бири ўзини милиция ходими деб таништирди...

Гуноҳ ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Шу маънода бир грамм «героин» моддаси йигитларга ўта қимматга тушди. Беруниийлик Ҳайитбой Бегимов ва Норбой Шарифбоевлар гиёҳвандлик моддаси олди-сотдиси билан шуғулланганги учун Жиноят Кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан айбдор деб топилиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Норбой Шарифбоевларнинг турмуш ўртоғи Ўғилжон Хидирбоева Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан қамоқ жазосидан қутилиб қолди. Шу зайлда гиёҳфурушлик балосининг узун ва қисқа тарихи якун топди. Аммо шу ерда ҳақли саволлар туғилади: ажойиб касб эгалари саналган, эл-юрт олдида тузуккина обрў-эътиборга молик бўлган олий маълумотли эр-хотинларни тубанлик йўлига киришга нима мажбур қилди? Ўғилжоннинг кейинги турмуши қандай кечади? У Юртбошимиз кўрсатган бағрикенглик, олиҳиммат-ликдан ўзига тўғри хулоса чиқара оладими? Эл-юрт, айниқса, фарзандлари, касбдошлари олдида ўз ҳаёт йўлига иснод, қора тамға бўлиб ёпишадиган нашафурушлик одатини ташлайдими? Агар шундай қилмаса бу азалийлик, инсонийликдан йироқ касб уларнинг тарбиясига ҳам салбий таъсир ўтказиши мумкин. Зеро, фарзандларини эзгуликка етакламаган аёлни эл ҳеч қачон кечирмайди.

**Зуҳра РАҲМОНОВА,**
**ҳуқуқшунос**

Nadomat

# РАЗОЛАТ ЙЎЛИ

СУД ОЧЕРКИ

Бешкент шаҳарчасида яшовчи Абдукарим Жўрабоев ўзининг "Тико" русумли енгил автомобил билан киракашлик қилиб рўзғор тебратар эди. У ўтган йилнинг 10 август куни Денов шаҳридаги автобекатда мижоз кутиб турган маҳал олдига икки нафар йигит келиб, ўзлари билан яна икки кишини Қарши шаҳрига олиб боришни илтимос қилишди. Улар Абдукаримга йигирма минг сўм пул беришга келишиб, икки нафар шеригини олиб кетиш учун машинани уларнинг уйига ҳайдаш лозимлигини айтишди. Абдукарим уларнинг бу шартига кўниб, машинани улар кўрсатаган томонга ҳайдади. Улар Й.Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида кетишаётганда, йигитлар машинани тўхтатишни сўрашди. Абдукарим йўл четига чиқиб, машинани тўхтатган пайт кутилмаганда олдинги ўриндиқда ўтирган йигит Абдукаримнинг оёқларини маҳкам ушлади. Орқа ўриндиқда ўтирган йигит эса, чап қўли билан Абдукаримнинг бўйнидан бўғиб, ўнг қўлидаги пичоқни унинг кўкрагига уч марта санчиб олди.

Бу ёвузлик оқибатида Абдукарим шу заҳоти жон таслим қилди. Икки жиноятчи Абдукаримнинг жонсиз жасадини орқа ўриндиққа жойлашдида, машинани орқага —"Ҳазорбоғ" жамоа хўжалиги томон ҳайдашди. Бу ердаги "Фаррух" фермер хўжалигига қарашли маккажўхоризор ёнига бориб, жасадни машинадан туширишди. Кейин эса уни маккажўхоризор ичига судраб киритишди. Мархумнинг чўнтагидаги 12000 сўм пул ва ҳужжатларни олишди. Сал вақт ўтиб машина ва кийимларига теккан қон юқларини ювиб, машинани бир таниш-лариникига яшириб қўйишди. Шу тариқа ҳалол меҳнати билан рўзғор тебратиб юрган гуноҳсиз йигит Абдукарим Жўрабоев жиноятчилар қўлида ҳалок бўлди.

Ички ишлар ва прокуратура идоралари ходимларининг саъй-ҳаракати билан бу жиноят тез орада фош этилди. Маълум бўлишича, Абдукарим Жўрабоевни туғишган ака-укалар — Аҳмад ва Муҳаммад Усмоновлар умрига зомин бўлишган экан. Албатта, аканинг ўз укасини жиноят йўлига бошлаши ёки уканинг ака билан биргаликда жиноят содир этиши ҳар қандай одамни ажаблантиради. Чунки бу ҳол инсоний ахлоқ ақидаларига мутлақо тўғри келмайди-да!

Лекин дастлабки тергов ва суд ҳужжатларига назар ташласак, уканинг қай тарзда жиноятчига айланганги ва тубанликка юз тутгани сабаблари ойдинлашади.

Гап шундаки, Муҳаммад Усмонов 2000 йилда ўғрилик жиноятини содир этгани учун судланган бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқариб олмади. Аксинча, ўз акаси Аҳмад билан тил бириктириб, янги-янги жиноятларни содир этган. Бу жиноятларнинг содир этилишига асосий сабаб уларнинг гиёҳванд модда истеъмол қилишга ружу қўйишгани бўлган. Чунки бангилик ака-уканинг ҳаёт мазмунига айланиб қолган. Табиийки, мамлакатимиз қонунлари билан таъқиқланган гиёҳванд моддаларни топиш ҳам, сотиб олиш ҳам осон эмас. Биринчидан, гиёҳванд моддаларнинг нархи жуда қиммат, иккинчидан, уни сотиб олиш учун нақд пул керак. Ҳеч жойда ишламайдиган ака-укалар пул топиш учун жиноят йўлига киришади. Улар ўз қўшнилари Ойқиз Авазованинг бозорда 100 минг сўм нархланадиган катта қўйини ўғирлаб, сўйиб сотади ва пулига Денов шаҳрида яшовчи Нусха Мирхолова исмли аёлдан гиёҳвандлик моддаси сотиб олишади.

Гиёҳвандлик таъсирида инсоний қиёфасини йўқотган бу кимсалар оқибатда пул топиш учун ҳатто қотиллик қилишдан ҳам тоймади.

Мўмай пул топиш, бировнинг мулкини эгаллаш учун ака-укалар олдиндан тил бириктириб бегуноҳ Абдукарим Жўрабоевнинг жонига зомин бўлиб, унинг "Тико" русумли машинасини қўлга киритишади. Шундан сўнг машинани қисмларга бўлиб бозорда пуллашади ва унга деновлик Ойдин Одинаева, Гулсара Шокирова деган аёллардан "героин" гиёҳвандлик моддаси сотиб олишади.

Аҳмад ва Муҳаммад Усмоновларнинг ўз инсоний қиёфаларини йўқотиб, гиёҳвандликка берилгани, бу йўлда бир нечта жиноятларни содир этиб, охири бегуноҳ Абдукарим Жўрабоевнинг қотилига айланганига бир таассуф қилсанг, уларга "героин" деб аталадиган оғуни пуллаган Нусха Мирхолова, Ойдин Одинаева, Гулсара Шокироваларнинг бойлик орттириш учун оналик ва аёллик деб аталмиш муқаддас бурчларини унутиб, жиноятга қўл урганини кўриб, яна бир бора афсусланасан, киши.

Албатта, жиноят жазосиз қолмайди. Ака-ука қотилларга суд қонуний жазо тайинлади. Лекин уларга берилган жазо Абдукарим Жўрабоевнинг айриликдан ғамга ботган яқинларининг кўнгил ярасига малҳам бўлолмайди. Уларнинг қалбидаги армоннинг чек-чегараси йўқ.

Хулоса сифатида таъкидлаб ўтсак, бу оламда ҳар бир воқеа-ҳодисанинг ўз ибтидоси ва мантиқий якуни бор. Шу маънода айтиш жоизки, ака-ука қотилларнинг қандай қилиб гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга ўрганиб қолгани кўпчиликка номаълум. Аммо охир-оқибат бу иллат уларни разолат ботқоғига ботиргани айни ҳақиқат. Зеро, биринчи марта гиёҳванд моддасини истеъмол қилгандаёқ улар хоҳиллик сари қадам ташлашган.

**Холиқ ХУРСАНДОВ,**
**журналист**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пулат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ҳолли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-469. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50